

ИСТИҚЛОЛНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ВА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq



1997-yil 27-avgustdan chiqib boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 27-avgust, №35 (660)

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган Ўзбекистонни иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари нечоғлик тўғри бўлганини бүгун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий инқироз дунёнинг энг қудратли давлатларини ҳам четлаб ўтмаётган бир пайтда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши давом этаётгани мустақилликнинг 18 йиллиги нишонланаётган айни кунларда ўзгача мазмун ва моҳият касб этмоқда.



Баҳриддин ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари мустақилликнинг бош мақсади, барча жаҳонларда кенг қўллаб-қувватланаётган ислохотларнинг асосий вазифаси этиб белгиланган. Бу эзгу мақсад мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари, жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси органлари фаолиятининг ҳам асосидир.

Бош қўшимчимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқлар эса амалдаги қонунлар асосида ҳимоя қилинади. Бинобарин, Президентимиз томонидан мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишига оид белгиланган беш асосий тамойиллардан бири бўлиши қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятда барқарорликка эришиш, давлат бошқарувида умуминсоний демократик қадриятларга таянилишни кафолатлаш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий

ҳуқуқларини таъминлаш, имкониятларини рўйбга чиқариш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг бош омилидир. Бунда давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари ва уларни ҳурмат қилишлари муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йиллари давомида прокуратура органларининг ўз олдига қўйилган вазифаларини қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда бажариши юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Бугунги кунга келиб прокуратура органлари ўз фаолиятининг мақсади ва мазмунига кўра, том маънода давлат ва жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилаётган органга айланди.

Шу ўринда Тошкент шаҳар прокуратураси органларининг 2009 йилнинг ўтган даврида айрим соҳаларга доир фаолиятига тўхталиб ўтмоқчиман.

Тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тугган ўрнига устувор аҳамият берилиб, унинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида қатор қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Пировардида, фуқароларнинг ўз қобилияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик фуқароларга мулкка эгалик қилиш, тадбиркорлик билан шугулланиш, ўз орзу-ниятларини рўйбга чиқариш ва қобилиятини намойиш этиш ҳуқуқини берди.

Тошкент шаҳри азалдан Буюк ипак йўлининг муҳим бир бўғини саналиб, ўзининг ишлаб чиқарган чинчилари, ипак-бахмаллари, кимхобу атаслари билан дунёга донг таратган. Мустақиллик йилларида яратилган шарт-шароитлар натижасида пойтахтимиз мамлакатимизнинг иқтисодий, маданий марказига, шаҳримиз аҳолисининг кўпчилиги эса мулкдорга, ишлаб чиқарувчи ва тижоратчига айланди.

(Давоми 4-бетда).

Баҳодир АБДУВАЛИЕВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, эртанги кунимиз тараққиёти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси, қолаверса, жамиятимизда кечаётган ижобий ўзгаришлар асосида қонун устуворлиги ётиши ҳеч кимга сир эмас. Қонун устувор бўлган жойда адолат қарор топади. Сирдарё вилоят прокуратураси органлари айнан шу мақсадни қўзлаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликка катта эътибор қаратмоқда, уларнинг қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришга бошқоқ бўлаётир. Қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Президентимиз ва ҳукуматнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш биринчи қалдаги вазифалар сирасига кирилади. Шу боис ҳам вилоят прокуратурасининг ҳайат мажлислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгашлари ҳамда Идоралараро йиғилишларида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот аҳолига доир долзарб ва муҳим масалалар муҳокама этилиб, аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида амалга оширилган текширувлар натижаларига кўра прокуратура органлари томонидан шу йўналишлардаги ишлар тўлалигича қамраб олинган бўлса-да, бундан қониқиб қолмай, прокурор назоратини янада кенг қўллаб таъкидлаш этиш лозимлигини кўрсатиб берди. Бинобарин, 2009 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида юқорида қайд этилган йўналишларда ўтказилган текширувлар натижаларига кўра 1744 тадан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 68 тадан ортиқ гайриқонуний ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 205 та тақдирнома орқали бартараф қилиниб, келгусида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 857 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди.

(Давоми 8-бетда).

Республикаимизда етиштирилган пахта ҳосилини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олиншини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2009 йил 14 августда "2009 йилда гўзани дефолиация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига дефолиация ўтказилиши, энг аввало, дефолиацияларни ишлаш муддатлари ва белгиланган нормаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиши топширилган.

2009 йил 24 август кuni Андижон вилоят прокурори Б.Дехқонов раислигида вилоятда дефолиация тадбирларини сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказилиши устидан назоратни ташкил этиш бўйича тузилган вилоят штабнинг дастлабки кўргазмали семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

киме" масъул ходимлари ўз зиммаларига юклатилган вазифани бажаришга етарли эътибор қаратмасдан, дефолиация тадбирларида қатнашувчи 411 донна ОВХ ва штангенли пуракагичларнинг 132 тасини "Қишлоқхўжалик-киме" ҳудудий акциядорлик жамиятининг филиалларига йиғиш чораларини кўрмаганликлари, бу эса ўз навбатида дефолиация тадбирларини қарорда белгиланган муддат ва ҳажмларда ўтказилишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкинлиги

таъкидлаб ўтилди.

Шунга кўра, вилоятдаги мутасадди идора ва ташкилот раҳбарлари дефолиация тадбирларини қарорда белгиланган муддат ва ҳажмда сифатли ўтказилишини таъминлашда қонунбузилишларга йўл қўймаслик ҳусусида расмий равишда огоҳлантирилди, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошчилигида тақдирнома киритилди.

Бахтиёржон ЙЎЛЧИЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЗАРУР

Мазкур семинарда Вазирлар Маҳкамасининг вилоятда бириктирилган бош вакили Ш.Қўзибоев, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Б.Сиддиқов, туман прокурорлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиқлари, "Қишлоқхўжалик-киме", ер ресурслари ва каластр хизмати, "Усимликларни ҳимоя қилиш отрядлари", "Сифат" лабораториясининг вилоят ва туман тармоқлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Танқидий рўйда бўлиб ўтган йиғилишда туман ишчи гуруҳлари томонидан гўза дефолиациясига тайёр-

гарлик кўриш аҳоли ўрганилганда, бу соҳада қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги, ҳусусан, вилоятда ишчи эритма тайёрлаш майдончалари ташкил этишда Пахтабод, Избоскан, Жалақудуқ, Булоқбоши, Қўргонтепа, Улунор туманларида суқташилликларга йўл қўйилаётганлиги айтиб ўтилди. Банк муассасалари томонидан фермерларга дефолиантларнинг сотиб олиш ва сепиш харажатлари учун 2,9 млрд. сўм маблағ ҳанузгача кредитлаштирилмаганлиги, ҳудудий ҳокимлар, "Қишлоқ ва сув хўжалиги" бошқармаси, "Қишлоқхўжалик-

таъкидлаб ўтилди.

Бахтиёржон ЙЎЛЧИЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

ОБУНА — 2010

Ҳурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бузувчи оқимларга тўғраи устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулияли вазифалар юклатмоқда.

Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Сўд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, тахририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

Обуна бўлишга кеч қолманг!



Ҳадемай энг улуғ ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда юртбошимиз раҳбарлигида шу даражада кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилдики, биргина мақола доирасида уларни таърифлаб, ҳатто санаб чиқиб ҳам бўлмайди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган тараққиётнинг машҳур беш тамойили нақадар тўғри эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

лаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Бу ўз самарасини берапти.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 4 марта ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи Кенгашининг йиғилиши ўтказилиб, фуқароларнинг конституций ҳуқуқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари ҳақидаги хабар ва аризаларнинг ҳал этилиши, одам савдоси ҳамда наркотик моддалар билан қонунига хилоф равишда

га қарамасдан фирибгарлик ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг ўсиши кузатилди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилнинг шу даврида 42 та қайд этилган бўлса, бу йил 72 тани ташкил қилган. Мазкур жиноятни содир этганликда айбланувчи деб топилган 58 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган 51 та жиноят иши айблов ҳулосаси билан тасмолланиб, мазмунан қўриб чиқиш учун судларга юборилган. Масалан, 1981 йилда туғилган, Қўнғирот туманида яшовчи М.Бекмуратов шу туманда яшовчи А.Ешмуратов ва Д.Қарлибаевларни "Россиянинг Владимир областида ойига 550

тайинланди. Бу каби мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Жиноятни содир қилганлар қилмишига яраша жазосини олган. Лекин улар одамларимизни оёқ-қўлларини боғлаб хорижга олиб кетаётгани йўқ-ку? Маҳалла, жамоатчилик, қолаверса, уларнинг ота-оналари қабқаб қараяпти?

Бугун мамлакатимизда тadbirkorлик билан шуғулланиш учун барча шароит яратиб берилган. Банклар томонидан тadbirkorлиқни ривожлантириш бўйича имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Ишсизликни бартараф этиш юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари манфаатдор органлар

риш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини қучайтириш зарур", деган эди.

Шунинг учун мазкур тоифадаги жиноятнинг олдини олиш борасида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг моҳиятини оммага тушунтириш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини амалга ошириш, туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатётган идоралараро комиссиялар-

ИСТИҚЛОЛ ҚАДРИ

ёхуд ўтган йиллар сабоғи

Жаҳон миқёсида кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиётида пасайиш юз берган бир пайтда Ўзбекистонда 2009 йилнинг биринчи ярми йиллигида ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 фоиз ўсганлиги фикримизнинг далилидир. Бундай ютуққа эришишда қонуналар ижросига катта эътибор берилганлиги, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги муҳим омил бўлди.

Бунда албатта, зиммасига мамлакатда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш вазифаси юклаган прокуратура органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан қонунийликни мустақкам-

муомала қилишга оид жиноятларнинг фош этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида Республикаимиз бўйича жорий йилнинг 7 ойи давомида умумий жиноятчилик ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайишига эришилди. Қотилик, талончилик, номусга тегиш каби жуда оғир турдаги, шунингдек, воёга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятлар камайди. Бунга прокуратура органлари томонидан фуқаролар орасида олиб борилган 3453 та тарғибот тadbirkorлигини ҳам сезиларли самара берганлиги шубҳасиз. Жумладан, 1527 та давра суҳбати, 155 та конференция, 20 та семинар ўтказилди. Матбуотда 133, радиода 284, телевидениеда 231 марта чиқиш қилинди. Лекин олиб борилган тadbirkorлар-

АҚШ доллари тўланганидан иш бор, кунига уч маҳал оқват берилди" деб алдаб олиб бориб, Владимир областининг Петушики районидаги "Минпром" МЧЖ ходимларига сотиб юборган. МЧЖдагилар эса уларни 3 ой ишлапти, иш ҳақини тўламаган. Натижада А.Ешмуратов ва Д.Қарлибаевлар Қорақалпоғистонга қайтиб келгач, М.Бекмуратовга қонуний чора қўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишди. М.Бекмуратов ЖКнинг 135-моддаси билан айбни деб топилиб, қонуний жазосини олди.

Беруний туманида яшовчи Р.Йулдошевга ҳам шунга ўхшаш жиноятни содир қилганлиги учун суд ҳукмига асосан қонуний жазо

ва ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмакалари ўтказаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси расиси Р.Қодилов "Халқ сўзи" газетасининг 2008 йил 17 октябрдаги сониди эълон қилинган "Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммо" номли мақоласида ушбу трансмиллий жиноятга доир 5 та масалага тўхталиб ўтар экан: "Бу ишдаги яна бир муҳим омил — доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахсларнинг тақдир, уларнинг ҳозир қаерда ва нима иш билан бандлигини аниқлашга қaratилган тadbirkorларни жадаллашти-

нинг фаолиятини жадаллаштириш ва бу борада прокурор назоратини қучайтириш лозим. Шундагина бу иллатнинг олдини олган бўламиз.

Мамлакатнинг тараққиёти, аҳолига қулай иш ва яшаш шароити яратиш орқали жаҳондаги буюк давлатлар қаторига қўшилиш бир ёки иккита кишининг саяё-ҳаракати билан битадиган иш эмас. Бунинг учун одамлар онгига бирдамлик, фидойилик, Ватан манфаатини ҳамма нарсдан устун қўйиш тушунчаларини синдириш, истиқлолнинг қадрига етиш, бир сўз билан айтганда, буюк мақсад йўлида жислашганини керак. Ўтган йиллар сабоғи, буюк келажак орузси ҳаммамизни шунга ундайди.

Жиянбой НАРИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси прокуратурининг
1-ўринбосари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр тармоғини ислоҳ қилиш тизими йил сарфини тақомиллаштириб, бошқаруving бозор усуллари тобора муҳим ва мустақкам ўрин топпоқда.

Чунки халқимизнинг дастурхони тўқинсочин бўлиши, фаровон турмуш кўп жихатдан қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг ривожланишига боғлиқдир.

Қишлоқда ҳўжалик юртишининг энг истикболли ва самарали шакли бўлган фермерлик ҳаракати кўлами кенгайди. Айниқса, қишлоқда янги мулкдорлар (фермер ҳўжаликлари) синфини шакллантиришга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ислохотларни изчил ривожлантиришга Президентимиз томонидан катта эътибор қaratилмоқда. Натижада бугунги кунда қишлоқ мулкдорлари, яъни фермер ҳўжаликлари жамиятимиз тараққиётининг таянч усулларидан бири бўлиб қолди.

ридан иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган ҳамда ерлан оқилона ва мақсадли равишда фойдаланиб келган 7990 нафар фермер ҳўжаликлари қолдирилганлиги, ерга бўлган муносабатининг кескин ўзгаришига ва пировард натижада ҳосилдорлиқнинг ортишига сабаб бўлди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қaratилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга асосий қишлоқ ҳўжалик экинлари, яъни пахта ва галла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб боришга асосий эътибор қaratилди.

Ерлардан мақсадли фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалик техникасини, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини

ёзли кредит маблағлари, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда биомаҳсулотларнинг етказиб берилиши ҳам давлатга галла сотиш шартномавий режасининг бажарилишига омил бўлди. Бундан ташқари, жорий йилда давлат пахта ҳосилини етиштириш учун фермер ҳўжаликлари томонидан жами 100200 гектар майдонга тўлиқ чигит екилиши таъминланиб, ҳозирда гўза экилган майдонларнинг парвариши ва агротехника ишлари жадал олиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни янада қучайтиришга тўсиқ бўлаётган ҳўлатларга кескин чек қўйиш, қонунлар ижросини таъминлаш борасида жуда катта талаблар қўйиб келинмоқда.

Тошкент вилоят прокуратураси органлари 2009 йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

дий қонунбузилиш ҳўлатлари юзасидан 67 та жиноят ишлари қўзғатилди, 190 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан деҳқон-фермер ҳўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, прокуратура аралашуви билан 1180 гектар ер майдонини қонун равишда ажратиб берилди, 161 тонна минерал ўғит, 1,2 тонна уруғлик пахта, 3 тонна уруғлик бўғдой, 73 тонна омухта ем, 53 дона қишлоқ ҳўжалик техникаси, 30 тонна нефть маҳсулотлари етказиб берилди, 86,6 млн. сўмлик дебиторлик, 45,4 млн. сўмлик кредиторлик қарздорликлар ундириб берилди, 2 нафар янги ташкил қилинган фермер ҳўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, банкларда ҳисоб рақамлари очилишига амалий

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Президентимиз қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга қaratилган Фармонлари, қарорлари ва ҳўкумат қарорлари туғайли бугун бу соҳада барқарор ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Давлатимиз раҳбари пахтачилик, галлачилик билан бир қаторда чорвачилик, пиллачилик, асаларичилик, қоракўчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қaratмоқда.

Ушбу тармоқларда ҳам иқтисодий ислохотлар олиб борилиб, мулкчиликнинг моддий манфаатдорлигини қучайтирилган шакллари жорий этилмоқда. Тошкент вилоятида ҳам бу борада ижобий ишлар амалга оширилиб, экин майдонлари фермер ҳўжаликлари тасарруфига ўтгач, унинг унумдорлиги ортиб, ҳосилдорлик кўтарилди. Маҳсулот таннари пасайиб, рентабеллик ортди. Айниқса, вилоятда фермер ҳўжаликлари тасарруфидан ер майдонлари миқдорини оптималлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида, мавжуд 20000 нафар фермер ҳўжаликла-

ни талон-торож қилишининг олдини олиш, фермер ҳўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида прокурор назорати қучайтирилди.

Жорий йилда вилоятдаги фермер ҳўжаликлари томонидан 1590 тонна пилла ҳосили етиштирилиб, давлат пахта сотиш шартномавий режаси ортиси билан удалланди. Ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида вилоятда 2009 йилнинг ўтган даврида 75 гектар майдонларда янги тут плантациялари ташкил қилинди. Вилоятда 2009 йил ҳосили учун 4800 фермер ҳўжаликлари томонидан 124200 гектар майдонга галла экилиб, агротехника тadbirkorларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги оқибатида, давлатга 321600 тонна ўрнига 377000 тонна галла сотилди. 2008 йилга нисбатан ҳосилдорлик 13 фоизга ортиб, ҳар гектардан олинган ҳосилдорлик ўртача 51 центнерни ташкил қилди.

Бундай улкан ишларни амалга оширишда хизмат кўрсатувчи, таъминотчи ташкилотлар томонидан ўз вақтида имти-

2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қaratилган қонунлар ижросини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3406-сонли Фармони ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида аниқланган қонунбузилишлар, уларни келтириб чиқарувчи шартшароитларни бартараф қилиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва жойларга 335 та тақдиминомалар киритилди, 7464 нафар мансабдор ва бошқа шахсларга қонунбузилишга йўл қўймаслик хусусида оғоҳлантирувлар берилди, 1487 нафар мансабдор шахслар маъмурий, 739 нафари интизомий ва 90 нафари моддий жавобгарликка тортилди, айбдорлардан 30,7 млн.сўм моддий зарар ихтиёрини равишда ундирилди. Фуқаролик суларига 376 та 313,1 млн.сўмлик даъво аризалари киритилди, жид-

ёрдамлар кўрсатилди.

Бу борада ўтказилган мониторинглар ва назорат тadbirkorлари давомида асосий эътибор қишлоқ ҳўжалик экинлари (пахта, галла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ер ажратиш борасида қонунчилик талабларига риоя этилиши, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеининг синостеом қилинишига йўл қўймаслик, ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торожига йўл қўймаслик ҳамда гидротехника-мелиорация ишлари ва қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланишда ҳўжасизликларга йўл қўймасликнинг олдини олишга қaratилди.

Анвар СУБАНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлими
бошлиғи

Истиқлол туфайли ўзбек халқи ўзлигини англаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган аждодларининг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш имконига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармонида биноан ҳар йили мустақиллик эълон қилинган кун — 31 август кунини мамлакатимизда қатағон қурбонлари ёд этилади. Мазкур Фармонга мувофиқ Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесидаги Бўзсув соҳилида 2002 йилда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

Музей чор Россияси ва совет ҳукумати давридаги Ватан озодлиги йўлидаги фаолияти ва хатти-ҳаракатлари учун қатағон қилинган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган Музейнинг илмий-тематик экспозицияси қуйидаги етти бўлимдан иборат: 19-асрнинг ўрталарида Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва унга қарши халқ кўзғолонлари, Туркистон мухториятининг тугатилиши ва 20-йиллардаги қатағон, 30-йиллардаги "Қулоқлаштириш" компанияси, 30-йиллардаги қатағон, 40-50 йиллар-

гани тушунтириш, шу орқали ёшларда ватанпарварлик ва мустақилликка садоқат туйғуларини тарбиялашдир.

Музей энг илғор ахборот технологиялари ва замонавий дизайн талаблари асосида жиҳозланган. Ҳар бир бўлимдаги экспозициялар янги-янги тарихий экспонатлар, буюм ва ашёлар, матнли стендлар ва фотосуратлар билан бойитилган. Айни пайтда музей залларида видео-монитор, мультимедиа ускуналари ёрдамида тегишли лавҳаларни томоша қилиш, тарихий маълумотларни бевосита эшитиш имконияти ҳам яратилган. Музейда тўпланган кўплаб видео ва аудио дисклар, шунингдек, электрон шаклдаги матнлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

маданий-матрифий марказга айланди. Қарши Регистони қайта чирой очди, атрофи ободонлаштирилди. Энди бу ер бир пайтлардагидек ҳеч кимнинг кўнглига ваҳм солмайди. Аксинча кишига хушқайфият, гурур, ифтихор, миллат тарихидан фахрланиш ҳиссини уйғотади. Шукурки, мустақиллик шарофати билан бир пайтлар чор атрофида ўнлаб мадрасалари-ю масжидлари, муаззам сардобалари билан улғувор саналган Қарши Регистони бугун қайта тугилди. Қайта таъмирланиб, ўзгача чирой очган муқаддас обида — Одина масжидида "Ўзликни англаш маркази" фаолияти йўлга қўйилди.

Регистон... Илмни саодат деб билган Насофий боболарим сингари, Ватан озодли-



ТАҲЛИКАЛИ ЭДИ У ЙИЛЛАР

даги қатағон, 80-йиллардаги қатағон ("Пахта иши"), Мустақил Ўзбекистонда қатағон қурбонлари хотирасининг эъзозланиши.

Бу музейни ташкил этишдан асосий мақсад қатағончилик сибасатининг сабаблари ва оқибатларини тадқиқ этиш ва уни мамлакатимиз тарихининг таркибий қисми сифатида акс эттириш, республикамиз фуқароларини, айниқса, ёш авлодни "халқ душмани", "миллатчи", "аксиндиқлобчи", "босмачи", "жосус", "қулоқ", "буржуа малайи" каби турли ёрлиқлар ёпиштириб отилган, осилган ёки Сибирь ва бошқа совуқ ўлкаларга сургун қилинган ватандошларимизнинг аксарияти миллатнинг фидойи ўғлонлари, зиёлилари, давлат, жамият, фан ва маданият арбоблари эканлигини, уларга НКВД ертўлаларида тўқиб чиқарилган сохта айбномалар қўйилганли-

Бир сўз билан айтганда, музей биноси ва унда иш бошлаган янги экспозиция тимсолида мустақиллик йилларида мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборнинг яна бир ёрқин намунасини кўриш мумкин.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлашлари туфайли Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги тақлиф ЮНЕСКО томонидан маъқулланди. Юбилей муносабати билан шаҳардаги 14-19 асрларга тааллуқли тарихий обидалар қайта тикланди.

Қарши Регистони ўрнидаги ҳибсхона бошқа жойга кўчирилиб, 14-асрда қурилган сардоба, кейинги 70 йилда маҳбуслар сақланадиган даргоҳ вазифини ўтаган Одина жомеъ масжиди, Қарши қалъаси, 19-асрда қурилган Бекмир мадрасаси тикланиб, Қарши шаҳрининг тарихи, маданий ва маънавий маркази ҳамда қадриятларини ўрганадиган ва тарғиб қиладиган

ги, юрт тинчлиги йўлида жон олиб, жон берган Амир Темур сингари не-не ёвқур боболарим излари бордир бу майдонда.

Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг ўн саккиз йиллиги нишонланадиган бугунги фойзиёб кунларда бу масканлардан зиёратчиларнинг оғи узилмайди. Бинобарин, бугунги тинч, осуда ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, ўтмишнинг изтироби ва қора саҳифаларидан сабоқ чиқариб, ёруғ ва нурли келажак сари матонат билан интилиб яшашимизда бундай табарруқ қадамжоларнинг тарбиявий аҳамияти бекиёс.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини нишонлаш арасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат, ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш ва қадрига етишга ундайди. Ёруғ кунлар ўз-ўзидан келмаганини ёдга солади. Шаҳид кетганлар эл-юрт озодлиги, халқимиз қадр-қиммати, ор-номуси посбонлари эканликлари, уларнинг эрк учун ўзларини қурбон қилганликлари ёшларга жасоратдан сабоқ беради.

Шукурки, у машъум кунлар тарих қазрига сингиб ортада қолди. Бугун халқимиз ота-боболарининг асрий орзу-умиди, азалий армони — Истиқлолга етишганига 18 йил тўлди. Бугун мустақиллик мақомини олган бу юрт ўн саккиз-балогат ёшига етди. Мустақиллиكنинг қадрига етмоғимиз, уни кўз қорачигидай асраб-авайламоғимиз даркор. Шунда шундай қутлуг кунга етиш орзусида отилган, қамоқларда ҳўрланган ва бу ҳам камлик қилгандек, ёлгон снёсатнинг ёлгон қарорлари билан "халқ душмани" деб ёмонотлиг қилинган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Мунаввар қори Абдурашидов, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат сингари буюк боболаримизнинг руҳлари шод бўлади.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
журналист

Истиқлол йилларида қатағон қурбонлари номини абадийлаштириш борасида қилинган хайрли ишлар

1991 йилнинг 6 февралда адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди.

1991 йилнинг 25 сентябрида Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдурауф Фитратга ўлимидан кейин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

1994 йили озодлик йўлида жонини фидо этган улугъ ёзувчи Абдулла Қодирий (рахматли)га мамлакатда биринчи бўлиб Ватаннинг юксак мукофоти - "Мустақиллик" ордени берилди.

1994 йилнинг 6 декабрида Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Тошкентда ёзувчи номини олган маданият ва истироҳат боғида унинг ҳайкали очилди.

1996 йил 19 июнда Бухорода Файзулла Хўжаев ҳайкали очилди.

1996 йил 20 декабрида Абдурауф Фитрат таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Тошкентда тантанали йиғилиш ва илмий анжуман бўлиб ўтди.

1999 йил 22 июлда "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинди ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини барпо этиш, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасини тузиш, қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, кўп жисдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш, шаҳид кетганларнинг ҳаёт йўли, илмий-ижодий меросини кенг жамоатчиликка етказиш каби қатор хайрли вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, пойтахтнинг Бўзсув мавзесида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини барпо этишга киришилди.

2000 йилнинг 28 январда Президент Фармонига кўра, Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат Университетида Ўзбекистон Миллий Университети мақоми берилди, тарихий ҳужжатлар асосида унинг асосчилари — жадид зиёилари, таъшиқ этилган санаси — 1918 йилнинг 12 майи деб белгиланди.

2000 йилнинг 12 майда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлди.

2001 йил 1 майда "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Президент Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга биноан қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август кунини Мустақиллик байрами арасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгиланди.

2001 йил 1 майда "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Президент Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармонга биноан қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август кунини Мустақиллик байрами арасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгиланди.



Саҳифамизда Тошкент шаҳар прокуратураси органлари



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва тегишли ёрдамлар кўрсатиш, назорат қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувининг олдини олиш ва бу борда прокурор назорати таъсирчанлигини ошириш ҳамда фаолиятни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу мақсадларда ва ҳукуматимиз ҳамда шаҳар ҳокимининг қарорлари бўйича шаҳардаги айрим саноат корхоналарини таркибий ўзгартариш орқали соғломлаштириш, истиқболсизларини тугатиш

корхонада мулкдорларнинг 5,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри ички ва ташқи сармоялар ҳамда 10,8 миллион АҚШ доллари миқдорида тижорат банк кредитларини киритиш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватлари техник таъмирланиб, модернизация ишлари олиб борилди ва унга 16,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ҳам жалб қилинди.

Шунингдек, корхоналарнинг ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган бино-иншоотлари негизда кичик ишлаб чиқаришга ихтисослашган 229 та янги, муштарак, кичик ва хусусий корхоналар фаолият қўриштириб, уларга 55,4 га. ер майдони ижара шартномаси асосида берилди.

Корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича ишчи гуруҳлари олиб борган савий-ҳаракаتلар натижасида 12 та иқтисодий ночор корхонадан 5 таси иқтисодий барқарорликка эришган бўлса, зарар кўриб ишлаган 12 та корхонадан 11 таси ўз зарарларини қоплаб, фойда билан ишлашга эришган.

Булардан ташқари, ишчи гуруҳи томонидан 1459 та умумий

овқатланиш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иш фаолиятини расмийлаштирмаган ҳолда ишлаб юрган фуқаролардан 2008 йилда 9321 нафарининг, 2009 йилнинг ўтган даврида эса 5671 нафарининг иш фаолияти қонунларда белгиланган тартибда расмийлаштирилди. Уларга 2008 йилда ойига 466,0 миллион сўм, 2009 йилда 850,6 миллион сўм миқдорда ўртача иш ҳақи белгиланди. Шунингдек, 2009 йилнинг 6 ойида яқка тартибда меҳнат фаолиятини юритувчи 6163 нафар тадбиркорнинг ҳам меҳнат фаолияти қонунида белгиланган тартибда расмийлаштирилди. Бунинг натижасида, қайд этилган 21055 нафар фуқаро солиққа тортид ва тадбиркорлардан нафақа бадали ундирилиши жорий этилди. Лекин, энг асосийси, бу билан ўша фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди, меҳнат дафтарчалари очилди, меҳнат стаж ҳисоблана бошланди, касаллик варақаси бўйича тўловлар берилиши, пенсия таъминоти ва касаб уюшмаси ҳимояси кафолатланди.

Айни пайтда, тадбиркорлик билан боғлиқ барча ишлар



ровдан 2009 йил 3 мартда 150 минг сўми пора сифатида олган вақтда ушланганлар.

Ушбу шахслар қайд этилган жиноий қилмишлари учун суднинг ҳукмига қўра жазога тортилганлар.

Тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишлари муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, шаҳар прокуратураси органлари уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, билимларини ошириш, ҳуқуқларини тушунириш мақсадида 2009 йилнинг ўтган 7 ойида 481 марта ҳуқуқий тарғибот тадбирини ўтказди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам кўрсатиш бундан кейин ҳам диққат-эъти-

барча туманлари миқёсида бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, қўллаб-қўллаш иш билан таъминланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартда қабул қилган қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 25-26 март кунлари Алишер Навоий номидаги Миллий боғда олий ўқув юрлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қурулмиш кучлар сафидан бўшатиш ҳамда вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

бўйича 2009 йилга мўлжалланган Дастур ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган ҳамда шаҳардаги мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳининг фаолияти учун шаҳар прокурори масъул этиб белгиланган.

Маъмур ишчи гуруҳи томонидан ҳукумат ва шаҳар ҳокимининг қайд этилган масалалар бўйича қарори ва улар асосидаги Дастурнинг, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йилгига муносабати билан ишлаб чиқилган Дастурнинг ижросини тўлиқ ва сифатли таъминлаш бўйича белгиланган ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2009 йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 7137 та саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари билан ўтказилган учрашувларда уларнинг олдида турган муаммоларни ижобий ҳал қилиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 100 дан ортиқ ишламаётган корхоналарнинг фаолияти тикланди.

Жорий йилнинг олти ойида Дастурга киритилган, шаҳар иқтисодиётида салмоқли улушга эга бўлган 60 та йирик саноат ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарига амалий ёрдамлар кўрсатилди. Натижада, 48 та корхонада ўртача ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми улар негизда ташкил қилинган 25 та шўъба корхоналар билан биргаликда 132,7 млрд. сўмини ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38,5 млрд. сўмга (129 фоиз) ошди.

Корхоналар ўз ички имкониятларидан фойдаланиб 40,6 млрд. сўм пул маблағларини ишлаб чиқаришга қайта жалб қилиб, уларнинг қувватларидан умумий фойдаланиб 1501 та иш ўринларини ташкил этди. Шундан 258 таси янгида яратилган бўлса, 1243 таси қайта тикланди. 13 та

овқатланиш тармоғи объектиларидан санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши текширилиб, бунинг натижасида аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 мартдаги "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси"нинг йиғилишида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш ҳамда иқтисодий ночор аҳволдан чиқиб кетиш бўйича аниқ режалари бўлмаган 6 та корхонага нисбатан банкротлик таомилини қўллаш ва тугатиш ишларини очиб бўйича қарор қабул қилинди.

Шунингдек, қарздорлиги юқори бўлгани боис тижорат банкларига берилган 5 та корхона негизда 4 та янги корхона ташкил этилиб, уларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилди.

Шаҳар ва туман прокуратураси раҳбарияти ҳамда масъул ходимлари томонидан туман ҳокимлари ҳамда туман ишчи гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликда жорий йилнинг 10 апрелидан бошлаб туман ҳокимликларида ҳафтининг жума кунлари тадбиркорларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш масаласида қабуллар ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг 7 ойида тадбиркорларнинг муносабатлари асосида кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида 5 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 2 миллиард 362 миллион сўм кредит ажратилди ва 505419 АҚШ долларида ортиқ эквивалентдаги пул маблағлари конвертацияси ҳал қилинди.

Ишчи гуруҳи томонидан шаҳар ҳудудидаги савдо, умумий

қўнғилдагидек деб бўлмайдилар. Чунки тадбиркорларга тўсиқлик қилиш, фаолиятларига салбий таъсир кўрсатиш ва қонуний аралашуш ҳамда таъмағирлик ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

2009 йилнинг 6 ойида шаҳар прокуратураси органлари томонидан хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида кўра, ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 19 та протест келтирилди. Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 18 та тақдирнома киритилди, 34 нафар шахс оғохлантирилди, 12 нафар шахс интизомий ва 2 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар содир этгани учун 2008 йилда 5 нафар, жорий йилнинг ўтган даврида 11 нафар, жами 16 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 5 нафарини давлат солиқ идоралари, 2 нафарини банк ходимлари, 1 нафарини ички ишлар, суд департаменти ходимлари ва 5 нафарини бошқа назорат идоралари ходимлари ташкил этган.

Масалан, Тошкент шаҳридаги "Муниципал аукцион маркази" ташкилотининг бош мутахассиси К.Зокиров тадбиркор О.Муртоҳовга 2008 йил 12 майда 10 минг АҚШ долларини, Сергеев туман давлат солиқ инспекциясининг инспекторлари А.Досметов ва У.Тўйчиевлар 2009 йил 1 январда хусусий тадбиркор Ш.Аҳмедовдан 1000 АҚШ долларини ва Собир Раҳимов туман давлат солиқ инспекциясининг инспектори М.Умурзоқов хусусий тадбиркор М.Бекназа-

боримизда бўлади.

Шаҳар прокуратураси органлари томонидан шаҳар ва туман ҳокимиятлари, мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамда жамоат ташкилотлари, маҳаллалар билан ҳамкорликда 2008 йилда, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар аҳолисининг бандлигини таъминлаш ҳамда ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш бўйича бир қанча тадбирлар ўтказилди. Чунончи, Президентимизнинг 2008 йил 29 февралдаги қарори билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокими томонидан чиқарилган "Ёшларни иш билан таъминлаш меҳнат ярмаркасини ўтказиш тўғрисида"ги қарор асосида 2008 йил 9-10 июль кунлари шаҳримиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ёшларнинг меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда шаҳардаги 176 та корхона, муассаса, ташкилотлар мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, 14525 нафар академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ва 2800 нафар олий ўқув юрти битирувчилари, 2414 нафар ҳарбий хизматни тугатган ҳамда маҳаллаларда яшовчи меҳнатга қобилиятли ёшлардан 21845 нафари қатнашди ҳамда уларнинг 6866 нафари ишга жойлаштирилди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилган "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори жойларда алоҳид ва сохта қизқичтиришлар билан айрим ёшлар иш билан таъминлаш баҳонасида мамлакат ташқарисига олиб чиқиб кетилишининг, шунингдек, диний экстремистик ташкилотларнинг таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишда қатъа аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, 2008 йил 23-24 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрининг

ўзларининг 12 мингта яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этилди.

Маъмур ярмаркада пойтахтимизнинг 28.801 нафар, жумладан, 16.168 нафар касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг битирувчилари ҳамда 12.633 нафар вақтинча ишсиз, меҳнатга лаёқатли фуқаролари қатнашиб, уларнинг 10 мингдан ортиғи ишга жойлашди.

Бундан ташқари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қурулмиш кучлар сафидан бўшатиш ҳамда вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг қарори асосида 2009 йилнинг 29 - 30 июль кунлари шаҳримиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган яна шундай бўш иш ўринлари ярмаркасида 28.801 нафар ёшлар иштирок этиди. Меҳнат ярмаркаси иштирокчиларининг 14.870 нафарига ишга жойлашиш учун йўланмалар берилган бўлиб, ҳозир уларнинг аксарияти ишга жойлаштирилди.

Албатта, бундан кейин ҳам иш билан таъминлаш масаласи бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлади. Зеро, ана шундай тадбирлар натижасида қанчалар-қанча оилалар даромад манбаига эга бўлади. Қолаверса, ижтимоий муаммолар бартараф этилиб, шаҳримиздаги осойишта ва зиянат янада мустаҳкамланади.

Шаҳар ҳокимияти, прокуратура ва бошқа мутасадди идоралар ва ташкилотлар томонидан шаҳардаги мактаб ҳамда лицейларнинг ўқувчиларини касбга йўналтириш, мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳар умумтаълим мактаб-

ларининг 9-синф ўқувчиларини таъминнинг кейинги босқичига жалб этиш, ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчиларини касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг "Мутахассислик - сенинг келажагинг" кўргазмасини ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида, шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, шаҳар прокуратураси, халқ таълими Бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими Бош қармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими томонидан 2009 йилнинг 28-30 апрель кунлари Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида "Мутахассислик - сенинг келажагинг" мавзусида кўргазма ташкил этилди.

Мазкур кўргазмада шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тасаруфидати 297 та умумтаълим мактабларининг 37249 нафар, Халқ таълими вазирлигига қарашли 8 та ихтисослаштирилган илм даргоҳларининг 1652 нафар битирувчилари ва уларнинг ота-оналари шаҳарда жойлашган 79 та касб-хунар коллежлари ва 37 та академик лицей фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиб, ўзларини қизиқтирган касб-хунар йўналишини танлашларига имкон яратилди.

Бундай тадбирларнинг давомий сифатида шаҳардаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёғи таътил мавсумида бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш ҳамда улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, таълим муассасаларининг салоҳияти ва имкониятларини ўқувчилар ҳақида ота-оналарга кўргазмани етказиш, ўқувчиларни келгусида илм-хунарга жалб этиш мақсадида, шаҳар ҳокимиянинг қарори асосида, жорий йилнинг 20-21 май кунлари шаҳардаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ва "Туркистон" санъат саройида "Куч - билим ва тафаккурда" тадбири ўтказилди. Тадбирларда 91464 нафар мактаб ўқувчилари иштирок этиб, улардан 60420 нафари, жумладан, 8105 нафари мусиқа ва санъат мактабларидаги, 23429 нафари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 19589 нафари ўқувчилар ижодий марказлари, 9297 нафари эса ўқувчилар техник ижодий марказларида фаолият кўрсатаётган турли тўғарак ва секцияларга аъзо бўлишди.

Булардан ташқари, умумтаълим мактабларидаги тўғаракларга 144.742 нафар ўқувчи жалб этилган бўлиб, улар ўзларини қизиқтирган фан ва касб-хунарга йўналтирилган тўғаракларда иштирок этишмоқда.

Шундай қилиб, бутунги кунда шаҳримиздаги 300 мингдан зиёд ўқувчиларнинг ярмидан кўпи турли хил тўғарак ва секцияларга жалб қилинди.

Шаҳар прокуратураси органлари келгусида ҳам асосий эътиборни шаҳарда ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш, қонунийлик ва фуқароларнинг Конституцияда белгиланган қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш билан бирга, шаҳарда янги иш жойларини яратиш, тадбиркорликка ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунлар ижросининг тўлиқ таъминланишига қаратади.

Бу борадаги Президентимиз фармон ва қарорлари, қонунлар, ҳукумат қарорлари, ишлаб чиқилган Дастурлар ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари дастуриламалимиз бўлади.

Бутунги ёшларимизнинг илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳасида эришадиган ютуқларини кўриб юртимиз истикболи ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, мустақиллик йилларида воёга етмаганлар масаласига эътиборнинг қучайтирилиши самарасидир.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари воёга етмаганларнинг

уларнинг бекорчилиги ва назоратдан четда қолишидир. Шу боис прокуратура бошқа мутасадди органлар билан ҳамкорликда воёга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш, оила-мактаб-маҳалла училиш масъулиятини оширишга кучли эътибор қаратиб келмоқда. Бундай тадбирлар савияси ва қамрови йил сайин кенгайиб, самарадорлиги ошиб бормоқда. Бунга Тошкент шаҳар

табларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ижодий марказларида фаолият кўрсатаётган тўғарак ва секцияларга аъзо бўлишди.

Тадбирдан қўзланган мақсад - келажагимиз соҳабларининг ёғи таътил даврида бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва соғлом турмуш тарзи қўникмаларини ўзлаштиришларига эришишдир. Зеро, ўғил-қизларимизнинг вақ-

Хар бир ота-она фарзандининг бўш вақти мазмунли ўтишига эътибор қаратса, мактаб, маҳалла бунга қўмақдош бўлса қўлаб нуҳуш ҳолатларнинг олди олинган бўлади.

Жорий йил бошида воёга етмаганлар соҳасида устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Олиб бориладиган ишлар натижа-сида жорий йилнинг 6 ойида воёга етмаганлар жиноятчилигининг 4 фойизга камайишига эришилди.

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭҒАЛАРИ

ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини қучайтириш, ўсмирлар жиноятчилигига қарши кураш, олдини олиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг энг таъсирчан воситаларидан фойдаланмоқда. Маълумотларга қўра, айни пайтда пойтахтимиз аҳолисининг 31 фойизи ёки 714 минг нафардан кўпрогини воёга етмаганлар ташкил этади. Маълумки, ўсмирлар ҳуқуқбузарлиги омилларидан бири

прокуратураси ташаббуси билан жорий йилнинг 20-21 май кунлари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Куч - билим ва тафаккурда" широк остида ўтказилган тадбирни мисол келтириб ўтишимиз мумкин.

Икки кун байрамона тарзда давом этган мазкур тадбирда 91.464 нафар пойтахтимиз ўқувчи ёшлари иштирок этиб, жами 60.420 нафар ўқувчи мусиқа ва санъат мак-

тини тўғри ташкил этиб, мазмунли ўтказишлари уларнинг қомил инсонлар бўлиб воёга етишларида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, жиноятта мойил деб топишдан, тарбия оғир болалар бўйхатида турган ўсмирларнинг бундай масканларга жалб этилиши улар табиятида кескин ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда.

"Барча иллатларнинг дояси бекорчиликдир" дейди доно халқимиз.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан воёга етмаганларни ижтимоий фойдали меҳнатга, ўқувчи ёшлари тўғаракларга жалб этиш борасида амалга ошириладиган бундай тадбирлар Бош прокуратура томонидан ижобий баҳоланиб, прокуратура органларида хизматда фойдаланиш учун оммалаштирилди.

Олим РАЙМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи



Республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки қўнларданок ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Бу маънида, мақсадга етишнинг энг яқин ва мақбул йўли жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборатдир.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, "Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини қучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш - ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади". Дарҳақиқат, аҳоли ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориши демократик давлат ва фуқаролик жамияти қарор топишнинг муҳим шартларидан биридир.

ҚОНУНЛАРГА ҲУРМАТ ҲИССИ

Шу билан истиклол йилларида жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Сир эмас, собиқ тоталитар тузумнинг муҳим меросларидан бири фуқароларнинг қонунларга, ўз ҳуқуқларига эътиборсизлигидир. Истиклолнинг ўтган 18 йили ана шундай иллатнинг барҳам топишига олиб келди.

Халқимиз ҳуқуқини таниди. Юртдошларимизда қонунларга ҳурмат ҳисси ортиб, жамиятда ҳуқуқий маданият шаклланиб бори. Шубҳасиз, бунда истиклол йилларида аҳоли ўртасида қонунлар мазмун-моҳиятини тушунириш, қонунчилик тарбияловчи кенг қўламлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди. Бунда прокуратура органлари тизимидаги қонунлар тарғиботи бўлиmlарининг ҳам ўзига ҳоқ ўрни бор.

Тошкент шаҳар прокуратураси фаолиятида ҳам қонунлар тарғиботи масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг 7 ойи давомида қонунчилик ва жиноятчилик аҳолидан келиб чиққан ҳолда 7509 та тарғиботи тадбирлари ўтказилди. Аҳолига янги қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида маҳалла-ларда 2144 марта, қорхона ва ташкилотларда 2614 марта, турли ўқув муассасаларида 1314 марта давра суҳбатлари ва тарғиботи тадбирлари

ташкил этилди. Шунингдек, шаҳар прокуратураси ҳодимларининг беқосида илгироккида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 481 та тарғиботи тадбирлари ўтказилган бўлиб, уларда тадбиркорлар фаолиятини кафолатловчи, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашга хизмат қилувчи қонунлар моҳияти тарғиб қилинган.

Бундан ташқари, шаҳар прокуратураси органлари томонидан бутун долзарб бўлган терроризм, диний экстремизмга қарши кураш бўйича 1168 та, одам савдосига қарши кураш бўйича 289 та турли учрашувлар ўтказилган, ОАВда чиқишлар қилинган.

Бундай тадбирлар, айтиш мумкинки, аҳоли ҳуқуқий онининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиш баробарида прокуратура-нинг халқ билан яқинлашувида муҳим ўрин тутди.

Айни пайтда бу борадаги асосий вазифамиз ҳуқуқ тарғиботида янада самарали ва таъсирчан воситалардан фойдаланиш, уларни амалга таътиб етишдан иборатдир. Зеро, қонунлар тарғиботи орқали уларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш пировард мақсадимиздир.

Лола ШОМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

Барчага бирдай аёнки, халқ турмуш фаровонлиги, ижтимоий ҳимояси аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ. Шу боис сўғити йиллар ичида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бутунги кунда 297.4 минг аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Шундан меҳнатга лаёқатлилар 193.3 минг кишини ташкил этади. Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш масаласи бутунги кунда катта аҳамиятга эга. Бу борада туманда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда мунтазам равишда учрашувлар ўтказилиб уларда фуқароларга мавжуд имконият ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби тушунириб боришмоқда.

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Маълумки, "Меҳнат ярмаркалари" аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутувчи тадбирлардандир. Ўтган давр мобайнида туманимизда 6 мартабана ана шундай ярмаркалар ташкиллаштирилди. Ўтказилган ярмаркаларда асосий эътибор 2008-2009 ўқув йили битирувчиларини, аёлларни, ҳарбий хизматдан қайтганлар ва ногиронларни иш билан таъминлаш масаласига қаратилди. Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида тумандаги жами 2273 та бўш иш ўринлари, шу жумладан қорхоналардаги 1639 та бўш иш ўринлари, ярмарка ўтказиш вақтига банд бўлмаган 634 та квота иш ўринлари фуқаролар эътиборига қаратилган. Тақдим этилган иш ўринлари орасида олий маълумотга эга бўлган ҳамда ўрта-махсус, касб-хунар коллежлари битирувчиларига мос келадиган, жумладан ҳамшира, фелдшер, шифокор, ҳайдовчилар (турли хил категория бўйича), меҳмонхона ходими, ҳуқуқшунослик, банк мутахассислиги бўйича иш ўринлари тақдир этилди.

29-30 июль кунлари Бобур номидаги истироҳат боғида битирувчи ёшлар учун ўтказилган "Меҳнат ярмаркаси"га туманимиздан 3514 нафар фуқаро жалб қилинди, шундан 1987 нафари ёшлар, 2459 нафари аёллардир. Уларнинг 1798 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди ва 1716 нафар фуқаро маслаҳат олди. 2009 йил якунигача яна 3 та ярмарка ўтказилиши режалаштирилган.

Юнусобод туман прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март қунидаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори ижроси борасида ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, юқоридаги қайд этилган Ҳукумат Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, мунтазам равишда банк муассасаларидан ойллик иш ҳақидан қарздорлиги мавжуд бўлган туман қорхона ва ташкилотлари ҳақида маълумотлар олиниб, таҳлил қилинмоқда ҳамда қарздорлик вужудга келиши сабаблари ўрганилиб, қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўрилмоқда.

Жорий йилнинг 7 ойи давомида туман прокуратураси томонидан ишчи-ҳодимлар манфаатини қўлаб қўрадолик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманларо соғида 29999,6 минг сўмлик 57 та даъво ариза киритилди ва қарздорликка йўл қўйган 10 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан ойллик иш ҳақини ундиришда ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг аризалари асосида текширишлар ўтказилиб, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган ҳолда кескин прокурорлик таъсир чоралари қўрилмоқда.

Масалан, туман прокуратурасида туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Шарқ шабола" Ёлиқ акциядорлик жамият ишчи-ҳодимлари мурожаат қилиб, ўз аризасида ушбу қорхона раҳбарияти 3 ой давомида ойллик иш ҳақини тўламаётгани ва иш ҳақини ундириб беришда амалий ёрдам сўрашган.

Мазкур ҳолда юзасидан туман прокуратураси томонидан ишчилар манфаатини қўлаб, ойллик иш ҳақидан вужудга келган қарздорликни ундириш мақсадида Мирзо Улугбек туманларо фуқаролик ишлари бўйича судига 11.115.157 сўмлик 18 та даъво ариза киритилди. "Шарқ шабола" Ёлиқ акциядорлик жамият ишчи-ҳодимларига иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Ҳозирги кунда туманимиз бўйича ойллик иш ҳақидан қарздорлик мавжуд эмас. Мазкур йўналиш бўйича туман прокуратураси томонидан доимий назорат ўрнатилган.

Абдунаим ТОЙИРОВ,

Юнусобод туман прокурорининг ўринбосари

Инсоният яратилибдики, у ҳамиша эзгуликка интилиб, яхшиликка ёндошиб яшайди. Порлоқ келажақ сари янгида-янги оруз-умидлар уммонида умр кечиради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган фойдалар, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифалардан бири бўлиб қолди. Истиқлолнинг 18 йиллигини нишонлаш арафасида тарих саҳифаларига қарб солиш, бутта тўла амин бўламиз. Дарҳақиқат, уттан давр мобайнида маданий ва маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш бора-сида улкан ишлар амалга оширилган десак муболага бўлмайди.

1991 йилда тутилган юртимиз фарзандлари бутунги кунда истиқлол билан тенгдош 18 ёшни қарши олишди. Олий ўқув юртиларига ўқишга кирган аксарият ёшлар истиқлол тенгдошларидир. Айрим шарқ ва ғарб манбаларида баъзи бир рақамлар илоҳийлаштирилиб, муҳим воқеалар ҳам гўёки илоҳий саналарга боғланганлиги билан изоҳ қилинади. Шарқ дурдона асарларига эътибор берсак, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ўн саккиз минг олам ошуби..." газили беҳос ёлға тушади. Навоийнинг ушбу газилида коинотнинг ўн саккиз минг олами ўн саккиз ёшли баркамол гўзал қизга менгалишида улкан маъно бор. 18 ёш навқиронлик ва баркамоллик ёши ҳисобланиши табиат ва тиббиёт томонидан ҳам ўз исботини топган. Бу ёшда йигитлар кучли ва шижоатли, қизлар эса ибодли, гўзал ва назокатли бўлишади.

Истиқлол даврида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қувномлай иложи йўқ. Қуйида юртимиз мустақиллигининг биринчи куниданоқ бунёд бўлган ва амалга оширилган эзгу ишларга тўхталиб, истиқлолнинг тенгдош олимларини ёлға оламиз.

Мустақиллик тарихимиз ҳақидаги ҳақиқатларни қайтариб берди десак, муболага бўлмайди. Тарих ҳақиқатини тиклаш ва ўтмишга тўғри назар билан

қараш ҳамиша муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Жумладан, Амир Темур, Беруний, Абдурауф Фитрат, Ибн Сино, Улўбек, Хоразмий каби миллат даҳолари улуғлана бошланди. Масалан, Самарқанддаги Амир Темур мақбарасида мамлакатимиз Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 1991-1996 йилларда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Буюк аждодларимиз хотираси эъзозланиб, улар васият этган қалб поклиги, имону динбат тушунчалари нафақат инсонлар дилида, балки расмий даражаларда, матбуот саҳифаларида ҳам қайта қадру қиймат касб эта бошлади. Аждодларимиз қолдирган маънавий меросни тиклаш ишлари бошланиб кетди. Улуғ боболаримиз руҳи шод этилди. Жумладан, 1991 йил февраль ойида Алишер Навоийнинг



ИФТИХОР ВА ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

550 йиллиги муносабати билан 1991 йил - Алишер Навоий йили деб эълон қилиниб, куз ойида тadbирларни ўтказиш белгиланди. Оллоҳнинг иноятини қарангки, бу тантаналар бошланиши олдидан Ўзбекистон сиёсий мустақиллигини қўлга киритди ва сентябрнинг биринчи кунини Мустиқиллик байрамига айланди. Президентимиз "миллат байрами" деб атаган Мир Алишер Навоийнинг кутлуг тўйи, шундай қилиб, "Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида фойда, тароват, бахш этди", "юртимиз, элимиз тарихида кутлуг келди, унутилмас сана бўлиб қолди".

1991 йил 31 август — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Мустиқиллиги эълон қилинди ва 1 сентябр бундан бўён Мустиқиллик кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланганидан бўлди.

6 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси Музоффа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент

Фармони эълон қилинди.

17 сентябр — Республикаимиз президенти Ислоҳ Каримовнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда халқ таълими тизимини тартибга солиш қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

20 сентябр кунини Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтига Алишер Навоий номини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

23 сентябр — "Қороналар тўғрисида"ги қонун ва унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қарор эълон қилинди.

22 сентябр кунини Тошкент шаҳар ижрокўми қарори асосида Бешёғчадаги Марказий маданият ва истироҳат боғи кенгайтирилиб, Ўзбекистон Миллий боғига айлантирилди. Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан боғда унинг ҳайкали очилди.

24 сентябр кунини Тошкентда (туркистонлик) ўзбекларнинг АҚШ, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Иордания, Туркия,

Австралия, Ўрта Осиё ва Қозғистондан яшовчи ватандошлари билан биринчи халқаро учрашуви бўлиб ўтди. Ноябр ойида эса АҚШда Ўзбек аънавий мусиқаси кунлари бўлиб ўтди. Мусиқашунос Отаназар Матёкубов раҳбарлигидаги Ўзбекистон халқ артисти Дилафруз Жабборов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Муножот Йўлчиева ва Шавкат Мирзаев, қорақалпоғистонлик бахши шоир Қаҳҳор Раҳимов, мусиқачилар Турғун Алиматов ва унинг ўғли Алишердан иборат йигма бадийи жамоа Нью-Йорк, Вашингтон, Мемполис, Миннесота, Сан-Францискода концерт намойиш этишди.

25 сентябрда Президент Ислоҳ Каримовнинг алабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги арбобларнинг ижодий фаоллигини рўёбга чиқариш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида Президент Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон ижодий арбоблари жағмарасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони

ларнинг юзга яқин расмлари намойиш этилди. Шу йилнинг октябр ойида Ўзбекистон Республикаси мустиқил давлат сифатида илк марта Португалиянинг Порто шаҳрида ўтказилган пионирончиларнинг халқаро танловига қатнашди. Ватандошимиз ёш мусиқачи Улуғбек Поллонов Бах ва Шопен асарларини ижро этиб, учинчи ўринга сазовор бўлди.

Миллий гурур, ифтихор, миллий ғоя ва мафкура, ҳуқуқий демократик давлат, демократия, эътиқод деган тушунчалар ҳам мустиқилликнинг илк кунлариданоқ инсонлар онгида эркин гавдаланишига йўл очилди.

20 октябр — алабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги арбобларнинг ижодий фаоллигини рўёбга чиқариш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида Президент Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон ижодий арбоблари жағмарасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони

қабул қилинди.

25 октябр — Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ЎзХДП Тошкент шаҳар ташкилоти тузилди.

1 ноябр — Тошкентда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг 1-таъсис курултойи очилди.

1 ноябр — Президент Ислоҳ Каримов Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимига тайинланди.

15 ноябр — Тошкентдаги "Баҳор" концерт залида Ўзбекистон халқ артисти Ҳақназаров раҳбарлигидаги Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг тақдироти бўлиб ўтди.

Истиқлолнинг уттан ўн саккиз йилида биз эришган энг улкан галабалар, ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан, Президентимиз ўз маърузалари-

29 ноябр — Республикада деҳқон (фермер) ҳўжаликларини мустақамлаш ва тadbиркорлик фаолиятининг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида Президент фармони эълон қилинди.

28 декабр — "Кооперация тўғрисида"ги қонун ва унга ўзгартиш ва қўшимчалар билан "Ижара тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

29 декабр — биринчи марта Ўзбекистон Республикаси мустиқиллиги ҳақида референдум, Ўзбекистон республикаси Президенти ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги лавозимига сайлов ўтказилди. Халқ Ўзбекистоннинг мустиқил бўлишини ва президент сайловиди нозмодлар орасидан Ислоҳ Каримовни танлади.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимиз бир қатор ихтисослашган нуфузли ха-

бўйича Жаҳон Метеорология ташкилоти, Халқаро автомобилчилар иттифоқи, Халқаро Олимпиада қўмитаси, Осиё ва Тинч океани давраси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги кенгаши, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий уюшмаси, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик ва нуфузли ЮНЕСКО, ЕХХТ ва БМТнинг аъзосидир. Шунингдек, Ўзбекистон мустиқил давлат сифатида озон қатлами муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, ядро қуроллини тарқатмаслик ҳақидаги шартномаларга ўтказилди. Мамлакатимиз ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан республикага илгор технологиялар, сармояларнинг кириб келиши ҳамда қўллаб қўша қорхоналарнинг

қурилиши оқилона ташқи сиёсат натижасидир.

Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, лқаро иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ташкилотлар — Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик Жаҳон банки, Халқаро валюта жағмармаси, Европа қайта тикланиш ва тараққиёт банки, Божхоналар ҳамкорлиги кенгаши, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро Почта иттифоқи, Электр Алоқаси



Гули ҲОЖИБОЕВА, «Huquq» мухбири

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

Мустиқиллик берган имкони-ятлар ҳақида сўз очилса, соатлаб гапириш мумкин. Шунчаки ҳисобот тарзида эмас, истиқлолнинг ҳар бир ютуғи, ҳар бир неъматини тўғрисида фахр-ифтихор билан сўзлаш керак. Мен озодликнинг энг лазиз, энг қадрили неъматларидан бири — тафаккур эркинлиги, фикр ҳурлиги, ижод завқи ҳақида кўпроқ ўйлайман. Истиқлол бизга инсондек яшаш ҳуқуқини берди. Мустиқиллик - бу халқнинг озодлик ҳуқуқи, фаровон келажақ кафолатидир. Инсон зоҳиран эмин-эркин яшаётгандек туюлиши мумкин. Лекин ана шу ҳурлик дунёқарашида, тафаккур тарзида ақл этсагина у чинакам мустиқил ҳисобланади. Шукрки, бутун инсонлар қалбида, шуурда эзгу ўзгаришлар ифода топа-япти. Ҳусусан бадийи алабиётга қўйилган сиққ талаблар, қолпи-лар ҳам парчалланган. Адабий қаҳрамонларни яратишда ва баҳолашда маънавий маҳдудлик дои-расида эмас, чинакам инсоний эс-стетик мезонлар асосида фикр юри-тиляпти. Биз ана шу буюк имко-ниятнинг қадрига етиб ижод қилишимиз керак. Мустиқиллик қанчалар улуг неъмат бўлса, уни асраб-авайлаш шунчалик улкан масъулият эканлигини шу муқад-

дас заминда яшаётган ҳар бир ин-сон қалбига чуқур сингдирадиган асарлар яратишимиз зарур.

Фурсатдан фойдаланиб,

"HUQUQ" газетаси муҳлислари-

ни энг улуг, энг азиз байрами-

миз билан чин дилдан қутлайман.

ЯҲОНАСАН

Тупроғингизда даҳолар хоки,

Ул соҳиби дунёлар хоки.

Боболарки, улуг чинордек,

Момоларки, Қутлуг Нигордек.

Чинорларки, бешиклар бўлаг,

Келажакка эшиклар бўлаг.

Сен онасан, муқаддас Ватан!

Яғонасан, муқаддас Ватан!

Хазинамсан, тахтим ўзингсан,

Қўйс айў бахтим ўзингсан.

Ер юзининг жаннатини сенсиан,

Яратганинги саноғини сенсиан.

Жаннатбоғим, ҳазраттоғимсан,

Меҳробимсан, сақдағоғимсан.

Сен онасан, муқаддас Ватан!

Яғонасан, муқаддас Ватан!

Манглайдаги Дурри Акбарим,

Не кўзларни олган гавҳарим.

Қора ният, гараз сўзлардан

Асрағаймиз ёмон кўзлардан.

Кўксим ичра юрагим тумор,

Бу туморда қутлуг номинг бор.

Сен онасан, муқаддас Ватан!

Яғонасан, муқаддас Ватан!

Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли хил шакллари ташкил топиши билан бозор муносабатларини ривожлантириш учун иқтисодий манба яратилди. Бундай шароитда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан кенг қўлдан ва эркин фойдаланишга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятнинг янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тизимга ўтишини таъминлаш билан бир қаторда давлат мулкнинг танҳо ҳукмронлигига чек қўйди, барча мулк шакллариининг тенглигига асос солди ва давлат зиммасига ҳусусий мулкнинг ҳам эркин муомалада бўлиши ва муҳофаза қилинишини таъминлаш вазифасини юклади. Бу эса жамиятнинг табиатида монанд бўлган, унинг ҳусусиятларини ўзида мукаммал ақс эттирадиган ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатадиган қонун-қоидаларни яратиш ва жорий этишни талаб қилди. Ана шу нуқтаи назардан қаралганда, собиқ тоталитар тузум даврида яратилган барча қонунлар янги жамият барпо этишга мутлақо хизмат қила олмаслиги яққол кўзга ташланди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодекси ҳам бундан истисно эмас. Чунки у моҳияти ва мазмун жиҳатидан социализм жамиятига хос ғоялар билан суғорилган эди. Кодексда давлат хоҳиш-иродаси ақл эттирилган бўлиб, у бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида мослаштирилган. Бу ҳол ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт талабларига жавоб берадиган, уларни тартибга солиш имкониятини яратадиган янги Фуқаролик кодексини қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда Фуқаролик кодексининг биринчи қисmini ва 1996 йил 29 августда ушбу кодекснинг иккинчи қисmini тасдиқлади ва 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Фуқаролик кодексини ва бошқа қонунлар бозор муносабатларининг ташкил топишида ва ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Улар товар-пул муносабатлари асосида фуқаролар, юридик шахслар, давлат, шу жумладан, хорижий фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида келиб чиқадиган мулкий муносабатларни ва мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиди, уларда қатнашувчи шахсларнинг

ҳуқуқлари ва манфаатларини тайриққонуний ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик кодекси мусулоти, мазмун, шакли, ҳажми ва ўзига хос ҳусусиятларига кўра аввалги Гражданлик кодексидан фарқ қилади.

Кодекс моҳиятини ифода этувчи ва унда белгиланган қоидаларнинг ҳусусиятларини белгиловчи тамойиллар 1-моддага ўз аксини топган. Ушбу тамойиллар Ўзбекистон Конституциясида белгиланган қуйидаги қоидаларга асосланган: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга", "Фуқароларнинг конституциявий ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан сул қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чекаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас" ва бошқалар.

Фуқаролик кодексида асосий ҳисобланган, муҳим ва принципиал қоидалар мўжассам топди. Шунинг учун ҳам кодекс фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли қоидалар мўжассам топган барча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг негизи ҳисобланади. Кодекснинг бундай мақомга эга эканлиги унинг 3-моддасида кўрсатилган.

дларида ҳар томонлама мукаммал ақл эттирилган.

Фуқаролик кодексини ташкил қилувчи барча нормаларнинг, шунингдек, мулк ҳуқуқига бағишланган махсус нормаларнинг мазмунига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36, 53-моддаларида назарда тутилган асосий қоидалар ўз ифодасини топган. Конституциянинг 36-моддасига биноан "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли", 53-моддасига асосан "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устулгинини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тadbиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Ҳусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолатларда тартиббағина мулкдан маҳрум этилиши мумкин".

Ҳусусий мулк бозор муносабатларининг асосий иқтисодий манбадир. Шу сабабдан ҳусусий мулкни ташкил топтирмай туриб бозор муноса-

батлари тўғрисида гапириш хом ҳаёлдир. Ҳусусий мулк ва унинг асосида вуужда келадиган муносабатлар бизнинг қонунчилик фаолиятимизда янгилик бўлганлиги тўғрисидаги коллекснинг тегишли моддаларида қатор мураккаб масалалар ўзига хос равишда ечинини топган.

Янги кодексда ҳусусий мулкнинг жорий қилиниши билан олдинги коллекснинг 120, 121, 122, 128, 136-моддаларидаги чеклашлар бартараф этилди. Энди кишилар ҳусусий мулкдан фақат шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашда фойдаланиш билан эканлимай, балки бу мулк асосида турли тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш, ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб қилиш, ўзи учун керак бўлган ишлаб чиқариш қуроллари ҳамда воситаларига эга бўлиш, уларни ижарага бериш йўли билан қўшимча да-

ромаллар олиш каби ҳуқуқларни ҳам қўлга киритилад.

Кодексда айтилганидек, мулк эгаси ўзининг мулкка бўлган ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Ушбу ҳуқуқ муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда мулк эгасига тегишли бўлган мол-мулкнинг турли сабаблар ва ҳар хил йўл билан давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан олиб қўйилиши, мулкдан эркин фойдаланиш учун тўқсизликлар яратилиши тайриққонуний ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқи мўддатсиздир. Мулк эгаси ўз мулкдан абадий фойдаланиши, ўз мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким мулкдорга ўз мулкни егаллаб туриш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш учун мўддат белгилаш ҳуқуқига эга эмас. Ушбу қоидаларнинг мантқиқий давомии сифатида 166-моддала мулкнинг дахлсизлиги ва қонун билан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Янги кодексда бинаоан мол-мулкнинг кимга тегишли бўлишиндан қатъи назар, мулк эгаси уни инсофли ёки инсофсиз егаллаб турувчилардан ҳеч қандай истисносиз тенглаштирилган умумий

қоидага асосан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳусусий мулкнинг муқаддаслиги ва унинг ҳар томонлама муҳофаза қилиниши Коллекснинг 233-моддасида ўз аксини топди. Ушбу моддада айтилишича, мулк ҳуқуқи қонуний равишда бекор қилинган тақдирда ҳам (масалан, национализация) бунинг оқибатида мулкдорга етказилган зарар ва мулкнинг қиймати давлат томонидан тўла-нониси шарт. Зарарни ва мулкнинг қийматини тўлаш билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал қилинади.

Кодекснинг 233-моддаси мазмунини жиҳатидан "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддасини тақрорлайди: "Мулк ҳуқуқи фақат қонунга мувофиқ бекор қилиниши мумкин". Мулк ҳуқуқини давлат ташкилоти ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

диган бошқа ҳолатларда мол-мулк давлат ҳокимияти органларининг қарорига бинаоан жамият манфаатларини қўзлаган ҳолда мулкдорлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва мол-мулкнинг қийматини тўлаш йўли билан мажбурий тарзда олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин.

Колекснинг 233-моддаси ва бошқа норматив ақтларга мувофиқ мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши оқибатида етказилган зарарни тўлашни давлат ўз зиммасига олиши учун қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини шарт. Бундай ҳужжатда етказилган зарарни аниқлаш қоидалари, уни тўлаш тартиби ва мўддати, етказилган зарарни тўлайдиган давлат ташкилоти аниқ белгиланган бўлиши керак, чунки 233-моддала назарда тутилган асосларга бинаоан етказилган зарарни ундириш бўйича қайси давлат органига

нисбатан даъво қўзғатиш мумкинлиги тўғрисидаги масала охиригача ҳал қилинмаган. Бу масала "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддасида ҳам ҳал қилинмаган очиқ қолдирилган. Аммо қонуннинг 40-моддасида мулк ҳуқуқининг қонунга мувофиқ бекор бўлиши муносабати билан эмас, балки давлат бошқаруви органлари ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорга етказилган зарарни қоплаш йўллари кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддала бундай ҳужжат қабул қилиш оқибатида мулкдорга етказилган зарарни тегишли, яъни ҳужжат чиқарган давлат бошқаруви органи ёки давлат ҳокимияти маҳаллий орган иштироғидаги маблаг ҳисобидан тўла-тўқис қоплаши шарт эканлиги таъкидланади. Демак, 40-моддала етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш учун даъвои кимга нисбатан қўзғатиш лозимлиги аниқ кўрсатиб ўтилади. Масаланинг бундай ҳал қилиниши коллекснинг 11,12-моддаларида назарда тутилган қоидаларга ҳам мос келади.

Табиий оғатлар, фалокатлар, юқумли касалликларнинг тарқалиши, ҳайвонларда касалликларнинг кенг ёйилиши ва фавқулодда руй бера-

Фуқат ШОДМОНОВ,
юридик фанлари доктори



(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Текшириш натижаларига кўра 417 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 38 та жиноят иши қўзғатилди. Шу жиноятлар натижасида етказилган моддий зарарларни ундириш ҳақида судларга 225 миллион 848 минг сўмдан зиёд 331 та даъво аризаси киритилиб, 76 миллион 555 минг сўмлик зарарлар айбдорлардан ихтиёрий ундирилишига эришилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўнонлар, бу борадаги Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси алоҳида назоратта олинган, асосий эътибор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қўноний манфаат-

Саҳифамизда Сирдарё вилоят прокуратураси органлари

минлашга масъул мансабдор шахслар томонидан жиноятга қўл урилатган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Бу ҳол айниқса, банкдаги масъул шахслар томонидан содир этилаётгани ачинарлидир. Оқолтин туманида жойлашган "Пахтабанк"нинг Сардоба филиали кредит бўлими бошлиғи Ш. Равашов ва бўлим мутахассиси Ш. Ҳамзаев тўлов қўбилитига эга бўлмаган "Хусанбой Дониёр ўғли" фермер ҳўжалигини "шатакка" олишга аҳд қилдилар ва фермер ҳўжалигининг 2 миллион сўмлик кредит қардорлигини бошқа бир фермер ҳўжалиғи бўлимиш "Ал-Марғилоний" ҳисобидан тўлаб қўйишнинг улдасидан чиқдилар. Бироқ бу қилишларнинг миси чиқиб қолди. Сохта тўлов қайд-номаларини расмийлаштирган сохтакорлар ҳеч нарсадан хабари йўқ "Ал-Марғилоний" фермер ҳўжалигининг розилигисиз унинг ҳисобидан 2 миллион сўмини "Хусанбой Дониёр ўғли" фермер ҳўжалигининг кредит қардорлигини ёпишга йўналтирилганлар учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Фермер ҳўжалиғига етказилган зарар ундириб берилди.

мансабдор шахс расман огоҳлан-тирилиб, 13 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Судларга 38 миллион 103 минг сўмлик даъво аризалари киритилди ва қўпол қонунбузилишлар юзасидан 10 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, Гулистон шаҳар 1-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Р.Убайдуллаев ва бош ҳисобчи Р.Холбутаев мансаб ваколатларини суистеъмол қилган ҳолда 2008 йил ва 2009 йилнинг 1-чорагида ҳодимларга жами 5485,3 минг сўм иш ҳақининг ноқўноний равишда ортқча тўланишига йўл қўйишган. "Эсер" доимий чет эл корхонаси акциядорлик жамияти мансабдор шахслари эса бунинг аксини содир этишга жазм қилишди. Нафақат ўзгалар, балки ўз ҳодимлари ҳам уларни заррача ташвишлангирмаслиги кундай равшан бўлиб қолди. Бу мансабдор шахслар 2008 йил ва 2009 йилнинг ўтган даврида 237 нафар ҳодимларнинг 7 ойлик, яъни 159 миллион 298 минг сўмлик иш ҳақларини тўламаганлигини яна қандай баҳолаш мумкин?! Айни кунларда корхона-



лов, И. Бойтўлаков, Б. Нишоновлар 372 ҳолатда фуқаролардан электр энергияси ва табиий газ учун йиғилган жами 6 миллион 900 минг сўм нақд пулларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан ДТ Халқ банки Мирзаобод филиали, Мирзаобод тумани электр тармоқлари корхонаси ва "Мирзаободтумангаз" филиали мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида қўнонийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

ган тадбирларнинг барқарор ва-зиятда ўтказилишини таъминлаш борасидаги фаолият давом эттирилмоқда. Вилоят ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятлар сони 6,1 фоизга камайишига эришилди. Қриминоген вазиятга таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг самардорлиги борасида прокурорлик назоратининг кучайтирилганлиги эъвазига 2009 йилнинг шу даврига қадар жамоат жойларида содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 фоизга, ишламайдиганлар томо-

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

ларини ҳимоя қилишга, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай ҳўқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантиришга, тадбиркорлик фаолиятининг асосий чекланишига йўл қўймасликка қаратилмоқда. Таъмағирлик, сохтакорлик орқали ҳўпол тадбиркорнинг иш фаолиятига тўсқинлик қилишга уринган виллоят Давлат солиқ бошқармаси бош инспектори Э.Ҳамроев ва Мирзаобод тумани солиқ инспекцияси бош инспектори Г.Болтабоевлар ўз жиноятлари учун тегишли жазоларни олдилар. Бу икки шоввоқ Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатувчи ҳўсусий тадбиркор Т.Аннинг савдо дўконида ҳодислар иштироки-сиз қисқа муддатли текширув ўтказиб, расмий ҳўжатларга сохта маълумотлар киритишган. Текширувда иштирок этмаган "хотлис" С.Маҳмуджоновга ҳўжжата имзо қўйдириб ва 3.Файзуллаев номидан эса сохта имзолар қўйиб, ҳўсусий тадбиркор Т.Аннинг маъмурий жавобгарликка тортилишига ва унга нисбатан молиявий жарима қўлланишига сабаби бўлишди. Устига-устак бу солиқчиларнинг валломатлиги ҳаммасидан ўтиб тушди. Улар жиноий тўл бириктерган ҳолда, мансаб мавқеларидан фойдаланишиб Т.Андан текшириш ақнига кўра енгил чора қўллаб бериш-ни ваъда қилишиб, таъмағирлик йўли билан 900 тараққисига 200 АҚШ долларини олишдан ҳам тап тортишмади.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадига прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Юқоридаги жиноятнинг фош бўлиши ҳам айнан шу каби тадбирларнинг самарасидир.

Афсуски, мавжуд қўнонлардан хабардор, шу қўнонийликни таъ-

минлашга мансабдор шахсларига нисбатан Оқолтин тумани прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси бўйича жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Бутунги кунда аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга табиий ҳақ ҳамда электр энергияси етказиб берилиши, газ ва электр энергияси учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Шу сабабдан бу йўналишдаги ишларимизни янада жонланттириб, соҳадagi бир қатор жиддий қўнонбузилиш ҳолатлари очиб ташланишига эришдик. Бу каби қўнонбузилишларни бартараф этиш мақсадига прокурор назорати ҳўжжатлари қўлланилди. Бошқарув идораларига 29 та тақдимномалар киритилиб, 127 нафар шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилдилар, 7 та жиноят ишлари қўзғатилди, судларга 27 миллион сўмлик 179 та даъво аризалари киритилиб, шундан 22 миллион 323 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилишига эришилди.

Фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун аҳолидан йиғилган тўловлар шу соҳанинг айрим назоратчилари томонидан талон-торож қилиниши, шахсий манфаатлар йўлида ўзлаштирилиши ҳеч қандай қўлига сиймайди. Мирзаобод тумани электр тармоқлари корхонаси назоратчилари А.Исаков, С.Сайдалиев, Ғ.Тошмуродовлар, шунингдек, "Мирзаободтумангаз" филиали назоратчилари Х.Абдуғафоров, С. Абдужаббаров, Ж.Бобожонов, Ш.Ҳикматов, Н.Норжигитовлар, бу устаномалардан "наси" кетишни истаманган ДТ Халқ банки Мирзаобод филиали ҳодимлари А. Андаку-

Юртбошимизнинг фармонлари ва бевоисита раҳнамолари орқали амалга оширилмоқда, десак янглишмаймиз. Мазкур йўналишда ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 4009 дан зиёд прокурор назорати ҳўжжатлари қўлланилди. Ҳўсусан, 34 та гайриқўноний ҳўжжат прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қўнонбузилиш ҳолатлари 93 дан ортқ тақдимномалар орқали бартараф қилиниб, келгусида қўнонбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадига 3413 нафар мансабдор шахс расман огоҳлангирилди. Қўнонбузилишига йўл қўйган 469 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қўнонбузилиш ҳолатлари юзасидан 18 та жиноят иши қўзғатилди ҳамда судларга ер ижара шардтомасини бекор қилиш ҳақида 4 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, Мирзаобод тумани "Дехқонобод" СФУ худудидаги "Пахтакор-Чорва-Файз" фермер ҳўжалиғи раҳбари У. Маматқулов томонидан пахта экилиши режалаштирилган 40 гектар ер майдонининг 10 гектарига ўзбошимчилик билан шол экилган аниқланиб, фермер ҳўжалиғи раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди ва фермер ҳўжалиғи билан туман ҳўкимлиғи ўртасида 59 гектар ерни узоқ муддатга ижарага бериш ҳақида тузилган шартнома бекор қилиниб, ер майдони туман ҳўкимлиғи заҳирасига қайтарилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, фуқароларнинг конституциявий ҳўқуқ ва эркинликларини ҳар қандай гайриқўноний таъвоулардан муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, исоҳотларни жадаллаштиришга қаратил-

нидан жиноят содир этиш 4 фоизга, муқаддам судланганлар томонидан жиноятлар содир қилиниши 3 фоизга, маст ҳолатда жиноят содир қилиш 5 фоизга, аёллар томонидан жиноят содир этиш 1 фоизга камайишига муваффақ бўлинди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан асосий эътибор айланувчилар томонидан етказилган зарарларнинг тергов жараёнида ундирилишига қаратилмоқда. Натижада прокуратура тизимида тергов олиб боришдан жиноят ишлари бўйича етказилган зарарнинг 70,2 фоизи, ички ишлар идоралари томонидан тергов олиб боришдан жиноят ишлари бўйича етказилган зарарнинг 88 фоизининг ундирилиши таъминланди.

Фуқаролик, тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган ариза ва шикоятларни ҳал этиш, уларнинг поймол этилган ҳўқуқларини тиклашга прокуратура органлари алоҳида эътибор билан қаралади. Шу йилнинг биринчи ярмида келиб тушган 1482 та ариза, шикоят ва мурожаатлардан 677 таси ҳал этилган, 86 таси қаноатлантирилган. Прокуратура органлари ҳодимлари томонидан 1581 нафар фуқаролар қабул қилинган бўлиб, шулардан 841 нафари шахсан прокурорлар томонидан қабул қилинди.

Юқорида келтирилган мисоллар Сирдарё вилояти прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг бир қисминга, ҳолос. Иқтисодий исоҳотларнинг самардорлигини янада кучайтириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, фуқароларимизнинг ҳақ-ҳўқуқлари ва эркинлигини таъминлаш юзасидан белгилаб олган тадбирларимизни амалга ошириш фаолиятимизнинг асосий негизи бўлиб қолаверди.

НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Мавжуд қонунлар доирасида фаолият юритаётган ишига садоқатли, виждонан пок тadbirkorлар доимо қонун ҳимоясида бўлишади. Департамент идоралари зиммасига юклатилган вазифаларни, яъни ҳуфёна иқтисодиёт, ҳисобга олинмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, яширин фаолият юритишнинг асосий механизмларини, солиқ ва валютата оид жиноятларни аниқлаш бора-сида 2009 йилнинг 7 ойи давомида амалга оширилган тadbirkorлар натижасида жами 190 та ҳуқуқбузарликлар аниқланган бўлиб, 143 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 47 та ҳолатда маъмурий ишлар юритилди. Бюджетга жами 1 млрд. 71 млн. сўмлик қўшимча маблағлар ҳисобланиб, ундирилган қўшимча маблағлар 640 млн. 800 минг сўмни ташкил этди. Бюджетга жами 528 млн. 600 минг сўм миқдорда қўшимча солиқлар ҳисобланиб, 64,7 млн. сўми ундирилди. Шунингдек, яширин иқтисодий фаолият ва унинг шаклланиш йўллари аниқлаш бора-сида жами 32 та солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш бора-сида ўтказилган тadbirkorлар давомида 15 та қонунбузилиш содир этилганлиги аниқланди. Солиқ этилган қонунбузилишлар давомида 2 554,5 млн.сўм миқдорда ноқонуний нақд пул айланиши амалга оширилганлиги аниқланиб, 15 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан содир этилаётган жиноятлар ва коррупция ҳолатларини фош этиш бора-сида бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан банк идораларидан 14 нафар, 3 та ҳокимият мансабдор шахсларига нисбатан ва бошқа назорат идораларининг жами 18 нафар ходимларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди. 5 та порахўрлик жиноятлари фош этилди.

Ўтказилган тadbirkorлар давомида жами 446,5 млн. сўмлик товарлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, давлат фойдасига мусодалар қилинди. Товарларни сотишдан бюджетга 43 млн. 703 минг сўм туширилди.

Республикамиз ҳудудига товар моддий бойликларининг ноқонуний олиб кирилиши билан боғлиқ жами 39 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Вилоятимиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилган чет элда ишлаб чиқарилган 141 млн. 130 минг сўмлик товар моддий бойликлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, тегишли тартибда давлат фойдасига мусодалар қилинди. Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 9 та жиноят иши, 30 та маъмурий ҳуқуқбузарлик иши қўзғатилди.

Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қўйиштириш юзасидан жами 15 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 16 та ҳолатда жиноят ва 4 та ҳолатда маъмурий ишлар қўзғатилди.

Олиб борилган текширишлар даво-

мида мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кирилган 14 млн. 876 минг сўмлик спирт ва спиртли ичимликлар ҳамда 4 та ҳолатда 8 млн. 401 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилиб, тегишли тартибда йўқ қилинди.

Яширин ишлаб чиқариш билан боғлиқ 24 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди, яширин цехлардан далилий ашё сифатида жами 27 млн. 35 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди. Шундан 22 та ҳолатда жиноят иши, 2 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари юритилди.

Этил спиртидан қўлбола усулда алкогол маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ 2 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, яширин цехлардан далилий ашё сифатида 1 млн. 500 минг сўмлик 517 литр этил спирт ҳамда алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган турли хил мосламалар олиб қўйилди.

Валюта маблағлари ноқонуний муомаласининг олдини олиш бора-сида амалга оширилган тadbirkorлар натижасида 15 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 6 та жиноят иши, 9 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари қўзғатилди. Аниқланган ҳолатлар натижасида 16 960 АҚШ доллари, 60 400 Қозғистон тенгеси, 215 Евро, 609 минг сўм Ўзбекистон миллий валюталари олиб қўйилиб, тегишли тартибда давлат фойдасига мусодалар этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида содир қилинаётган жиноятларни аниқлашга қаратилган тadbirkorлар давомида 2 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Ҳуусий секторга қишлоқ жойларда қўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, мутасадди органлар ва идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш бора-сида Сирдарё тумани, Гулистон ва Янгйер шаҳарларида 30 нафар, Гулистон туманида 25 нафар тadbirkorлар билан учрашув ўтказилди. Учрашувда тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини вақтинча тўхтатган тadbirkorларни қайтадан фаолият қўратиш учун улардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва янги иш ўринларини яратиш масалалари ҳал қилинди. Ҳуусан, ўтган давр мобайнида вилоят тижорат банклари томонидан 11 млрд. 584 млн. сўм миқдорда кредитлар берилди. Бу қўрсаткич ўтган йилга нисбатан 8 млрд. сўмга ошиги билан бажарилган.

Тadbirkorлар фаолиятига кенг йўл очиб бериш мақсадида қонун нормаларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва тadbirkorлик фаолияти билан шугулланаётган ҳўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш кескин равишда камайтирилди.

Ноқонуний ишга қўл уриб, иқтисодиётимизга, халқимиз фаровонлигига пўтур етказиладиган сохта "тadbirkorлар" эса шўбҳасиз қонун олдида жавоб бердилар.

С.АБДУМАЛИКОВ,
Департаментнинг Сирдарё вилоят
бошқармаси бошлиги

Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ҳар жиҳатдан тadbirkorликнинг ривожланишига боғлиқ эканлиги барчамизга маълум. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг "2008 йилда республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида"ги 2009 йил 13 февралдаги Қарори бу борада дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Рўйхатдан ўтган тadbirkorлик субъектлари, шу жумладан, кичик бизнес, қўшма ва чет эл корхоналари, фермер ҳўжалиқларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг олдида пайдо бўлаётган сўғий говларини бартараф этиш, тadbirkorлик фаолиятларини ривожлантириш каби йўналишлар Сирдарё вилояти прокуратураси органларининг асосий вазифаларидан бирига айлантирилган. Шу мақ-

берди. Айни кунда мазкур агрофирмада ишлар жонлиниб кетган. Шунингдек, тикувчиликка ихтисослашган "Ҳудайё-Манзура орузи" ҳуусий фирмасига Халқ банки Гулистон туман филиали орқали 3 йил муддатта бандлик жамғармаси маблағи ҳисобидан имтиёзли 10 миллион сўм кредит ажратилди.

Тadbirkorлик фаолиятини амалга оширишда муаммоларга дуч келаётган қўллаб-қувватлаш бўлими прокуратура органларига шахсан мурожаат қилишмоқда. Гулистон шаҳридаги техникаларни таъмирлашга ихтисослашган "Фарангиз-ЮАТ" ҳамда "Йўлдош ота хирмони" фирмалари раҳбарлари, Сирдарё туманида фаолиятни тўхтатиб, бугунги кунда ўз фаолиятларини тиклаш истагини билдирган 29 нафар тadbirkorлар билан учрашиб, улар томонидан билдирилган муаммолар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Ушбу тadbirkor-

Афсуски, тadbirkorларнинг фаолиятига турли хил гаразли мақсадларда тўқсинлик қиливчи масъул шахслар ҳам учраб турибди. Уларнинг жиноий ҳаракатларига ўз вақтида тўсиқ қўйиш бора-сида ҳам тadbirkorлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. 2009 йилнинг шу даври мобайнида 48 нафар тadbirkorнинг фаолиятига тўқсинлик қилиш ҳолатлари қайд этилди. Бундай ҳол ўтган йилда ҳам содир этилган бўлиб, Ширин шаҳар ҳокимлиги тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Д. Шерматова тadbirkor Сирдарё филиалдан ўтиш ва гувоҳнома олиш учун мурожаат қилган 45 нафар фуқаролардан инспекция ҳисоб рақамига 20685 сўмдан, шунингдек ҳўжатларини қўлбакилаштириш йўли билан "Сирдарё Ширин" кооперативига аъзолик бадали учун 20865 сўмдан, жами 937990 сўмни ноқонуний равишда тўлатгани аниқланди.

ТАДБИРКОРЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

салда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Сирдарё вилояти ҳудудий комиссияси фаолият олиб бораётди. Туман ва шаҳар прокуратуралари зиммасига тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш бора-сида режалар ишлар олиб бориш юклатилди. Шу ташкилий ишларнинг натижаси ўлароқ, бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг ўтган даври давомида турли хил қийинчиликлар сабабли фаолият юритишдан тўхтаб қолган 66 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти тикланди, шу билан бир қаторда 139 та қўшимча иш ўринлари яратишга эришилди. Зардўлик ўқув-савдо маркази куриш учун Гулистон шаҳрида ҳўнаманд М. Ҳожиева 10 х 30 метр ер майдони ажратиб берилди. Бундан ташқари 7 та ҳўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларида 36 миллион сўм миқдорда кредит олишларида амалий ёрдам қўрсатилди. Жумладан, Сайхунбод туманидаги "Паррандачилик Робот" ҳуусий корхонасига паррандачиликни ривожлантириш учун 10 миллион сўм, Сирдарё туманидаги "Бинафша Чаман" ҳуусий фирмасига иссиқхона фаолиятини ривожлантириш учун 14 миллион сўм, Сардоба туманида тadbirkor У. Тошқулловга асаларчиликни ривожлантиришга 7 миллион сўм, Гулистон шаҳридаги "Рухона барака фанз" ҳуусий фирмасига 5 миллион сўм миқдорда кредит маблағларининг ажратилишида амалий ёрдам қўрсатилди.

Тadbirkorлар томонидан билдирилаётган таклиф, муаммолар ва фаолиятлари давомида дуч келаётган қийинчиликлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар доимий эътибор ва назорат талаб қилмоқда. Сирдарё вилоят ҳудудий комиссиясининг кенгайтирилган мажлисларида ушбу муаммоларни ҳал қилиш чоралари қўрилмоқда. Масалан, асаларчиликни ривожлантириш ва ўз айланма маблағини тўлдириш истагини билдирган "Шўхрат асал ҳосили" агрофирмаси ҳисоб рақамига "Микрокредитбанк" вилоят филиали 13 миллион сўм кредит тушириб

ларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича вилоят, туман прокуратураси, туман ҳокимлиги, СВОЖЖЛҚК Департаменти Сирдарё туман бўлими, солиқ инспекцияси, Савдо-саноат палатаси туман ахборот маслаҳат маркази, банклар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда зарурий-амалий ёрдам чоралари қўрилмоқда.

Тadbirkorларга ўз айланма маблағларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, илгор технологияларни соҳага жалб қилиш бора-сида ҳам амалий ёрдамлар қўрсатилмоқда. Мисол учун, 2009 йилнинг 28 апрелида "Маматқул ота" ҳуусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Насиба Алиқуллова Халқ банки Сирдарё вилоят филиалининг банк операциялари бўлими бошлиғи номига 20 миллион сўм миқдорда кредит олиш бўйича ариза билан мурожаат қилган эди. Прокуратура органларининг аралашуви натижасида ушбу маблағ шу йилнинг 9 июль кунини тadbirkorга олиб берилди.

Ўз фаолияти давомида турли хил қийинчиликларга дуч келаётган, илгор технологияларни ишлаб чиқаришга сафарбар этишда муаммоларга учраётган корхоналар қаторида "Пана" Хитой-Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳам бор эди. Унинг ҳисобидаги маблағларини конвертация қилиб беришга қўмлаштириш натижасида 108 минг АҚШ доллари "Мунис" мотоциклнинг кузови ва рамасини ишлаб чиқарилган ускуна сотиб олинди. Ҳудди шунингдек, "Ихтирочи-П-3761" ҳуусий корхонасига "Ўзавтотўй" компаниясига қарашли "Янгйерўйлинустирия" давлат унитар корхонаси биноси ва иншоотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйиш учун 5 йилга ижарага берилган, улар бинони нол қийматда ҳуусийлаштириб беришни сўраган эди. Инвестиция киритиш мажбуриятини бажарган корхонага Миллий банк томонидан 132 минг АҚШ доллари конвертация қилиб берилган бўлиб, шу маблағларнинг барчаси минн технология сотиб олиш учун сарфланди.

Гулистон шаҳар ҳудудига жойлашган "САРБОНТЕКС" қўшма корхонасини "Сирдарё-электр-тармоқлари" ОАЖнинг Гулистон шаҳар таркибий тармоғи оғохлатирувчи электр энергияси тармоғидан узиб қўйганлиги ҳолати юзасидан вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилиб, айбдор томондан қўшма корхона фойдасига 11,8 миллион сўм етказилган зарарни ундириб бериш чоралари қўрилмоқда.

Тadbirkorлик субъектларининг ишларига ҳўда-беҳўда аралашувлар, турли хил текширувларни камайтириш мақсадида, яъни Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрга "Тadbirkorлик субъектларини текшириш йўлида қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тadbirkorлари ҳақида"ги Фармони талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш чоралари прокуратура органлари томонидан доимий назорат остига олинган. Шу ва бошқа мақсадларни қўлга олошда вилоят, шаҳар, туман прокуратура органларида "007" рақамли ишонч телефонлари ишлаб турибди. Умуман олганда эса назорат идоралари томонидан ўтказиладиган режалар текширишлар Президентимизнинг Фармонидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда 2009 йилда 467 тага ёки 30 фоизга камайтирилди. Режа қайта таҳлил қилиниб, яна 224 та текшириш режалардан чиқарилиб, текширишлар жами 60 фоизга қисқартирилишига эришилди.

Тadbirkorларимизга қанчалик кенг имконияти яратиб берсак, бу соҳада қонун устуворлигини таъминласак ва аҳолининг иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтирсак, эртанги кунимиз янада фаровон бўлади. Иқтисодий ислохотларнинг тўб моҳиятида ҳам айнан шу мақсад ётибди. Вилоят прокуратура органлари ходимлари олдида ана шу эзу мақсадини амалга ошириш йўлида улкан вазифалар қўйилган. Бунинг биз яхши ҳис қиламиз ва белгиланган вазифани бажаришда ўз билим салоҳиятимиз ва куч-гайратимизни аямиймиз.

Шўхрулло ТУРСУНОВ,
Сирдарё вилоят
прокуратураси бўлими бошлиғи



Самарқанд шаҳрини ЮНЕСКОда шундай аташади. Дарҳақиқат, қадимий Афросиёб ҳаробаларининг ўзигагина бир пайтлар Самарқандда фан, маданият гуллаб-яшнаганидан дарак бериб турибди. Бу ердан топилаётган археологик топилмалар кишини ҳайратга солади. Ундан кейин теурийлар даври маданияти ҳақида ҳашаматли макбара-ю мадрасалар салобат билан ҳикоя қилади.

Университет хизбонидан бошлаб эса XIX аср рус архитектураси жозибасидан баҳраманд бўласиз. Бугунги Самарқанднинг маркази ҳисобланган бу ҳудуд қурилганида, "Юзний (Жанубий) Санкт-Петербург" деб аталган. Бу гапда жон бор, чунки Санкт-Петербургда худди шундай квартал бўлиб, чор Россиясининг бу ердаги вакиллари Самарқандда унинг нуҳасини яратишган. Ҳатто кўча номларини бир хил номлашган: Невский, Возрождение ва ҳ.к. Шаҳарнинг бошқа қисмлари совет даври билан боғлиқ. Мана шу тўрт давр маданияти уйғунлашгани учун ҳам Самарқандимизни маданиятлар чорраҳаси деб аташади.

қанд, Хива ва Бухоро шаҳарларидан анча кейин ЮНЕСКО рўйхатига киритилди? Чунки биз бошқа соҳага қилаётган меҳнатимизни, эътиборимизни, сарф-харажатимизни туризмни ривожлантиришга сарфламаганмиз. Тўғри, совет даврида ҳам тарихий обидалар асраб-авайланди, таъмирланди. Бироқ туризмда муҳим жиҳат ҳисобланган тарихий ҳудуд яллитлигига, унинг қиёфасини сақлаб қолишга эътибор берил-

лангани, айниқса кўнгилдаги иш бўлди. Библионим зиёратгоҳидан чиққан сайёҳ энди қий-чув бозор ораламасдан, обод ва ораста хиебон бўйлаб, шундоққина виқор билан сирли кўриниб турган Шоҳи Зинда томон борадиган бўлди.

Теурийлар салтанатида ҳаяжон билан сайр қилиб юрган сайёҳ Регистондан Амир Теуур макбараси томон юганида, йўл четида 2-ҳаммомга дуч келарди. Ундан кейин эса

ҳар дарвозалари ҳисобланади. Аэропортимиз Самарқанд дега-н гузал шаҳарга муносиб даражада ҳашаматли эмас, ён-атрофини турли бинолар сиқиб тургандек эди. Унга борадиган йўл тор, бунинг устига, икки четини кўчага чиқиб кетган турли бетартиб бинолар, дўконлар, ошхоналар эгаллаганди. Аэропорт ҳудудидан ана шундай бинолардан 20 таси бузилди, ўрни тозаланиб, ободонлаштириш ишлари олиб борил-

янги лойиҳа асосида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Эски 112 та савдо шохобчаси ўрнида 36 та миллий ихтисослашган замонавий савдо дўконлари қурилмоқда. Фавқулодда хавфли ҳудудлардаги пана-пастқам, хавфсизлик қондаларига зид жойлашган кичик-кичик уйларда яшовчи аҳоли ўзaro келишув асосида бошқа жойларга кўчирилмоқда.

Шаҳарни ноқонуний қурилишлардан тозалаш бўйича жамоатчилик билан ҳамкорликда бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Бир неча минглаб ноқонуний қурилган турли бинолар бузилди. Эрта баҳордаёқ қуриган дарахтлар олиб ташланиб, 7000 га яқин дарахт кўчатлари ўтказилганда. Пиёдалар йўлаклар, ариқлар, ичимлик суви ҳамда газ тармоқлари, электр линиялари таъмирлаш-тиклаш ишлари жадал давом этмоқда. Майдонлар, хиебонлар ўзгача тароват касб этмоқда. Айниқса, Университет хиебони, Амир Теуур макбараси, Рухобод мажмуаси атрофида татқилда аризли ишлар амалга оширилди. Яқиндагина Самарқандга келиб кетган меҳмон



МАДАНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИ

Дунё бўйича тарихий ёдгорликлар, тарихий ҳудудлар авайлаб-асралади. Уларни ўз ҳолича асраш, мунтазам таъмирлаш, қиёфасини йўқотмасликка алоҳида эътибор қаратилган. Шаҳарнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилишининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, бу рўйхатдаги шаҳарларга ҳаҳон миқёсидаги туристик ташкилотлар алоҳида эътибор қаратади. Ўзбекистонда биринчи бўлиб Хива шаҳри, кейин Бухоро, ундан кейин Самарқанд бу рўйхатга киритилди. Биринчи тақдирлаш: Самарқанд билан ёши тенг бўлган Рим, асосан, сайёҳлар ташрифидан даромад қилади, яъни бу шаҳарга туристларнинг жуда катта оқими мунтазам келиб туради. Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар Римдагига қараганда кўпроқ ва қизиқарлироқ. Бироқ бизга туристлар нисбатан кам келади! Нега биз шунча катта имкониятлар ёқасида туриб, туризмдан кишлоқ ҳўжалигига қараганда анча кам даромад қиламиз? Ёки янада оддийроқ савол: нега Самар-

маган. Тарихий обидаларга ёнма-ён қилиб замонавий бинолар қурилаверган. Регистон майдони атрофидаги яқиндагина бузиб ташланган Навоий номли кинотеатр, "Юбилейний" ресторани, ҳашаматли "Универмаг", кўп қаватли бинолар, мактаб ва дўконлар ўрта асрлар меъморчилиги жамолига мос тушмай тургани. Бундай миқдорларни кўплаб келтириш мумкин.

Мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги йилларда катта ишлар қилинди. "Навоий" кинотеатри, "Юбилейний" ресторани бутунлай бузиб ташланди, ўрни хиебонга айлантирилди. Икки қаватли "Универмаг" бир қаватли кичикроқ дўкон ҳолига келтирилди. Библионим, Шоҳи Зинда зиёратгоҳлари атрофидан гўж-гўж майда савдо дўконлари олиб ташланиб, ободонлаштирилди. Бу ишлар тарихий обидалар салобатига салобат қўшди. "Чуқур бозор" деб номланган кийим-кечак добири, унинг атрофидаги дўконлару ошхоналар, бир қатор турли бинолар олиб таш-

ароқ заводи ваҳимали вишил-лаб турарди. Ҳозир эса бу ерда кўркам хиебон дилларга ором бахш этади. Шаҳар ободончилиги учун амалга оширилган бундай ишларни кўплаб санаш мумкин. Хуллас, аста-секинчи билан Самарқанд жамоли турли доғлардан тозаланиб бормоқда.

Афросиёб очиқ осмон остидаги музей макомини олди. Теурийлар даври маданияти акс этган эски шаҳар ҳудудидан замонавий бино-иншоотларни олиб ташлаб, ўрта асрлар қиёфасини бериш ишлари қатъий режа асосида олиб боришмоқда.

Бугун Самарқанд улкан қурилиш майдонига ўхшаб қолган. Бугун шаҳар бўйлаб қайта қуриш ишлари жадал олиб боришмоқда. Самарқанд шаҳрини қайта қуришнинг биринчи босқичи 2010 йилгача, иккинчи босқичи 2025 йилгача мулжалланган комплекс режалар ишлаб чиқилган.

Ватан остонидан бошланади, шаҳар эса дарвозадан. Аэропорт ва темир йўл вокзали ша-

моқда. Аэропорт биносининг ўзи ҳам қайта реконструкция қилинмоқда.

Темир йўл вокзалимиз атрофи ҳам мактовга лойиқ эмасди. Ҳозир бу ерларда жуда катта бузиш-тозалаш ишлари олиб боришмоқда. Вокзал олдида катта чуқурлик бўлиб, унинг ичида савдо дўконлари жойлашган эди. Бу чуқурлик ҳам тўлдирилиб, ўрни кўкаламзорлаштирилди. Очиги, шаҳар кенгайиб қолгандек бўлди.

Эски шаҳардаги маҳалларнинг ҳам асл қиёфасини йўқотмасдан тартибга солиш ишлари олиб борилаёпти. Регистон майдони ва Сиеб бозори ораллиғидаги Тошкент кўчаси ҳам анча сентил нафас олди. Ҳар ким ўзича қуриб ташлаган ва кўчага чиқиб келган турли дўконлар, бу ҳам етмагандек, стол қўйиб, атторлик молларини кўчанинг ўзига сотаётган тижоратчилар орасидан юриш сайёҳ тугул ўзимизнинг ҳам асабимизга тегарди. Ҳозир бу ерда 67 та дўкон бузилди, кўча кенгайтирилди, 4 та уй-жой кўчирилмоқда. 35 та объектда

бугун келса, шаҳарни танимай қолади. Бир-икки йилдан кейин келганида эса бутунлай бошқа оламга тушиб қолгандек, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарга маҳлиё бўлиб қолади...

Самарқанд катта тўйлар оstonасида турибди: Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги тантаналари, аънанавий "Шарқ тароналари" халқаро VII мусиқа фестивали, Самарқанд куни... Албатта, бу тантаналарни муносиб тарзда нишонлаш шаҳарликлардан катта куч ва маҳоратни талаб этади. Ўйлаймизки, бу тантаналарни шаҳарликлар билан баҳам қўришни ният қилган юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар Самарқанднинг ҳақиқий афсона ва эрталар шаҳри эканлигига тан берадилар.

Афросиёб, теурийлар, XIX-XX асрлар Европаси ва XX аср совет маданиятлари чорраҳасидаги Самарқанд мустақиллик шарофати билан ўз тарихида янги даврни бошлади.

Садриддин НАБИЕВ,
«Huquq» мухбири

Муқаддас бурч масъулияти

Муҳтарам юртбошимиз таъкидланганларидек "Мустақиллик бу аввало, ҳуқуқдир". Бу гапнинг замирида олам-олам маъно муҳасам. Бу халқимизнинг ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқи дегани. Истиқлол йўлида шахид кетган, бу доғлардан кунларни орзу-армон қилиб ўтган аждодларнинг асрий орзу-ниятларини, истакларини рўёбга чиқариш ҳуқуқи дегани. Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслик ҳуқуқи деганидир бу. Шукурки, истиқлол туфайли эришган бундайин ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз бор.

Бугун Олий Бош қўмондонимиз раҳнамолигида миллий армиямиз тизимида ўтказиб келинаётган ислохотларга назар ташлар эканмиз, бу жараён халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳалларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони ҳисобланмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч

кимдан кам бўлмаслиги лозим, деган гоҳдан озикланаётганини ҳис қиламиз. Шу ўринда бир эсга олайлик, 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизини ташкил этарди. Бу эса ўша даврда кадрлар масаласининг ўта долзарб бўлганини кўрсатади.

Президентимиз раҳбарлигида ҳарбий таълим соҳасида олиб борилган изчил ислохотлар ўз самарасини бериб, ҳарбий билим юрталаримиз, улардаги факультет ва кафедралар сон ортди. Фаҳримиз, ифтихоримизга айланган Куролли Кучлар академияси ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Истиқлолимиз меваси бўлган сержантлар тайёролаш мактабларини битираётган профессионаллар бугун том маънода армиямизнинг суянчи ва таянчига айланиб қолди. Энди би сержант деганда аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, ҳарбийликни касб этган ўғлонларни тушунамиз.

Аммо ютқадаримизни кўролмаётган қора ниятли кимсалар ҳам борли-

гини асло унутмаслигимиз керак. Улар фарзандларимизнинг онгини заҳарлашга уринмоқдалар. Бу талвасалар ортда турганларнинг нияти битта, у ҳам бўлса Ватанимизнинг осийишталлигига раҳна солишдир. Уларнинг ярами қора ниятларини дин никоҳи билан яширса, қолганлари демократияни пеш қиладилар.

Юртбошимиз "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарига бизни огоҳликка ундаб, "...ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидаларнинг "даъвати" ҳам, ахлоқ-одо-би тушунчаларини рад этадиган, биз учун мулқадо бегона гоҳлар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказолмайди" деб таъкидлаганлар.

Ватанга фидойилик билан бир вақтда, минг афсуски, Ватанга хиёнат ҳам ҳамиша мавжуд. Нур борки, соя бор, дейдилар. Аслида хиёнат жоҳилликдан келиб чиқади. Маърифатли киши эса ҳамиша диёнатли бўлади. Яратганга шу-

курлар бўлсинки, бугун Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги илм-маърифатли ёшлар қилида.

Юрт тинчлиги — улўғ неъмат, барқарор тараққиёт гарови. Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўзaro интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим қафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик бўлган мамлакатдагина илм-фан, маданият юксак тараққиёт этиши, бунёдкорлик ишлари ривож топиши, юрт гуллаб-яшнаши мумкин.

Бизда буюк гоҳ ва буюк мақсад бор: халқимизнинг мустақиллик, озодлик, демократия, тараққиёт ва фаровонлик ишини хавф-хатардан асрашдек муқаддас бурчимиз ҳамда мустақилликнинг абадий бўлишига чуқур ишонч бор.

Мана шу мустақиллигимизни асраб-авайлашдек юксак ишонч, юксак масъулият ҳаётимиз мазмунига айланин ва мустақиллигимиз абадий бўлсин!

У. МИРЗАЕВ,
Фаргона ҳарбий прокурори

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК 2009 йил 28 сентябрь куни очик ТАНЛОВ савдоларига таклиф этади

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини киритиш, олиш тартибдаги танлов савдосига қўйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Паркент" ҚФЙ ҳудудида жойлашган, Паркент тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 10-сонли "Баҳор" болалар боғчаси.

Объект 2 қаватли, балконли бинодан иборат бўлиб 1988 йилда қурилган. Умумий майдони 0,58 га., қурилиш ости майдони 0,18 га.. Девори гиштдан, қопламаси т/бетондан, томи шиферли.

Танлов савдоси шарт: энг юқори сотиб олиш қиймати таклиф этиш; тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли миқдорда ва қисқа муддат ичида инвестициялар киритиш.

Бошланғич баҳоси 141 990 579 сўм.

(ер участкаси ҳисобга киритилмаган)
2. Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Қорақалпоқ" ҚФЙ ҳудудида жойлашган Паркент тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 4-сонли болалар боғчаси.

Объект 1950 йилда қурилган бўлиб, 1 қаватли бино (майдони 374,80 м²), босқирма, ошхона ва омбордан иборат. Объектнинг умумий майдони 0,14 га., қурилиш ости майдони 0,05 га. Боғча биноси фундаменти бетон, деворлари гиштдан, поли ёғочдан, томи шиферли.

Танлов савдоси шарт: энг юқори сотиб олиш қиймати таклиф этиш; тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли миқдорда ва қисқа муддат ичида инвестициялар киритиш.

Бошланғич баҳоси 49 531 135 сўм.

(ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

3. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор қўргони, А.Тўқай кўчаси 5-уйда жойлашган "Yangi obodon servis" унитар корхонаси (собиқ Юқоричирчиқ туман коммунал фойдаланиш бошқармаси).

Объектнинг асосий фаолият тури коммунал фойдаланиш хизматлари кўрсатиш ҳисобланади.

Танлов савдоси шарт: энг юқори сотиб олиш қиймати таклиф этиш; тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 20,0 млн.сўмдан кам бўлмаган миқдорда ва қисқа муддат ичида

қўшимча инвестициялар киритиш.

Бошланғич баҳоси 91 514 420 сўм.

(ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

4. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимидаги "Ўзбекистон" Локомотив депосига қарашли Янгийўл тумани, "Ўзбекистон" темир йўл бекати, А.Ортиқов ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Локомотив бригадирларнинг дам олиш уйи" бино ва иншоотлари.

Объект 1975 йилда қурилган бўлиб, 3 қаватли, гиштли бинодан (умумий майдони 1276,1 м²), ёрдамчи хўжалик биноси, ошхона ва трансформатор биносидан иборат.

Танлов савдоси шарт: объектда ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатиш соҳаларини ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш; — энг юқори сотиб олиш қиймати таклиф этиш; тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 100,0 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда ва қисқа муддат ичида қўшимча инвестициялар киритиш.

Бошланғич баҳоси 222 323 422 сўм.

(ер участкаси ҳисобга киритилмаган)

Танлов савдоси қолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомалар қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 55-уйда (ДМК биноси 1-қавати чап қанотидаги савдолар зали) 2009 йил 28 сентябрь соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (25 сентябрь соат 17.00да) тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Заказат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika

Mulk-Auksioni" ДКнинг ХОАТБ "InfBANK" МФО-01041, СТИР-206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига заказат пули тўлашлари шарт.

Юқоридаги объектларнинг 28 сентябрдаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2009 йил 29-30 сентябрь, 2 октябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қўйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:

Танлов қатнашчисининг талабномаси; таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторилик хизматининг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим (объектни сотиб олиш ва сармоя киритиш баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаслиги шарт); заказат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизицлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши шунингдек тақдим этил-

ган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Қўшимча маълумот ва танлов савдоси ҳужжатларини қўйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82, Факс: 150-34-46. Email: info@mulk.uz, www.mulk.uz.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг 2009 йил 29 сентябрь соат 11.00 дан бошлаб очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Фарғона вилоят бошқармасига қарашли 1998 йилда и/ч "Нексия", давлат рақами 15 АА 030 бўлган автотранспорт воситаси қўйилади. Бошланғич баҳоси 2 428 000 сўм. Заказат пули миқдори 364200 сўм.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2009 йил 6, 13, 20 октябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. "Respublika Mulk - Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги МФО:00497, ИНН:206761326, 20210000004537599011 ҳисоб рақамига заказат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, заказат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати асл нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома топширишлари шарт.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотларни олиш манзили: 150100, Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси, 1-қават 48-50 хона, Тел/факс: (8 373) 229-70-20 Email: info@mulk.uz.

"Munitsipal Aukcion Markazi" МЧЖ Очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Объект номи: Миробод тумани ҳокими маҳкамаси халқ таълими бўлими тасарруфидagi Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган 440-сонли болалар боғчаси (умумий майдони 1497 кв.метрга тенг бўлган бино ва иншоотлар).

Балансада сақловчи: Миробод тумани ҳокими маҳкамаси халқ таълими бўлими.

Аукцион савдолари 2009 йил 29 сентябрь куни соат 15.00да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 19-уй манзилида ўтказилади. Объект сотилмаган тақдирда 2009 йилнинг 6, 13, 20 октябрь кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Объектни бошланғич нархи 228 003 689 сўм.

Заказат миқдори 46 000 000 сўм.

Талабгорларнинг буюртмаларини қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади (2009 йил 28 сентябрь соат 18.00 гача).

Объектни сотиб олиш шартлари қўйидагича:

— Фаолият турини камида 5 (беш) йил муддатда ўзгармаган ҳолда замонавий тарзда қайта таъмирлаш ва мактабгача таълим муассасасини барпо этиш;

— Заказат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқ-

дорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани тўлаб бериш.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Банк реквизицлари "Munitsipal Aukcion Markazi" МЧЖ нинг АИКБ "Ipak Yo'li" банкидаги МФО00444, СТИР300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақами, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 19-уй.

Алоқа телефони: 244-88-04, телефакс: 244-88-04 электрон почта aukcion@bk.ru.

ДМК Тошкент шаҳар бошқармаси оммавий оферта савдоларини ўтказилиши тўғрисида эълон қилади

Сотувчи: Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Сотувчининг манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй, 100060

Алоқа телефони 233-35-08, телефакс 233-35-08, 233-23-52, электрон почта uqki@rambler.ru

Объект номи: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ 2-мавзеси, 20а-уй манзилида жойлашган 4 қават-

ли бинонинг 1-қаватидаги умумий майдони 238 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.

Балансада сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти

Музокаралар 2009 йил 28 сентябрь куни соат 16-00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "А" уй манзилида ўтказилади.

Объектни бошланғич нархи 68 112 500 сўм.

Объектни сотиш олиш шартлари қўйидагича:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— энг камида 15 000 000 (ун беш миллион сўм) сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— янги ишчи ўринлари ташкил

этиш;

— сотиб олиш тўлови ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш 2009 йил 28 сентябрь куни соат 13-00 тўхтатилади.

Марказий Осиё қадим-қадимдан илм-фан, юксак маданият ва бой меъморчилик ўчоғи ҳисобланган. Утган давларда ҳам ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас равишда меъморчилик кенг тараққий этган. Бугун ана шу меъморчилик ва шаҳарсозлик анъаналари халқимиз қалбида сўнмас гуруҳ ҳамда ифтихор туйғуларини мужассам этганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Биргина Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метрополитени фикримизнинг исботидир. Ҳозирда ушбу ер ости салтанатига нафақат ватандошларимиз, балки пойтахтимизга ташриф буюраётган чет эл фуқароларининг ҳам қизиқишлари катта бўлмоқда. Матълумки, метрополитен ўзининг мўътадил



чи навбати ишга туширилди. Йиллар давомида ана шу тарафда метрополитен қурилиб, фойдаланишга топширилди. Албатта, бундай катта ерости транспортининг доимий ҳаракатини таъминлаш ва узлуксиз аҳолига хизмат кўрсатиш ўз-ўзидан бўлмади. У ерга ўрнатилган барча қурилмалар вақт ўтиши билан алмаштирилиши ёки таъмирталаб бўлиб қолиши табиий. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қўйилди. Шу мақсадда 2000 йил ҳаракат таркибини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш депоси ишга туширилди. У ерда нафақат метрополитен талабини қондириш, балки шаҳар корхоналарига керакли деталлар, эҳтиёт

да 2001 йил август ойида метрополитеннинг биринчи навбати ишга туширилди. Юнусобод йўналишининг қурилиши ва ишга туширилиши янги замонавий мосламалар ва техник қурилмалар асосида бунёд этилган.

Қурилиш жиҳатидан олиб қарайдиган бўлсак, у иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда барпо этилган. Ғурур ва ифтихоримиз ифодаси бўлган бекатларнинг меъморий-бадиий безаги анъанавий миллий усулга асосланган бўлиб, маҳаллий қурилиш материаллари: мрамор, гранит, сопол ва шишадан ўзига хос дид билан фойдаланилган.

Ҳозирги кунда Тошкент метрополитени шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига доимий равишда

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

ҳавоси ва тозалиги бўйича дунёдаги етакчи метрополитенлардан бири ҳисобланади. Шу ўринда метрополитеннинг қисқача тарихига тўхталасак. 1971 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Министрлар Кенгашининг "Тошкент шаҳрида метрополитени лойиҳалаштириш ва қуриш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида 1972 йил 25 июлда метрополитен қурилиши бошланди. Дастлаб, 9 бекатли метрополитеннинг биринчи навбати ("Собир Раҳимов" бекатидан "Октябрь революцияси хиббони" (ҳозирги "Амир Темури хиббони") бекатигача), сўнгра "Чилонзор" электродепоси комплекси ва "Алоқалар уйи" билан 1977 йил 7 ноябрда ишга туширилган. 1980 йил август ойида келиб, 3 бекатли Чилонзор йўлининг иккинчи навбати ("Октябрь революцияси хиббони" бекатидан "Максим Горький" бекатигача) қуриб битказилди. Шу тариқа иккинчи навбат ишга туширилиши билан пойтахтнинг жануби-ғарбидан шимоли-шарқигача қўзилган шаҳар марказидан ўтган Тошкент метрополитенининг 16 километрлик 12 бекатдан иборат бўлган Чилонзор йўналиши қурилиши тугалланди. 1984 йил 26 ноябрда 5 та бекатдан ташкил топган ("Алишер Навоий" бекатидан "Тошкент" бекатигача) Ўзбекистон йўналиши ишга туширилди. Шу билан шаҳар марказини темир йўл вокзали билан туташтирувчи биринчи навбат фойдаланишга топширилди. 1987 йил ноябрь ойида эса иккинчи бекатнинг ("Тошкент" бекатидан "Чкалов" бекатигача) иккинчи навбати йўловчиларга хизмат қила бошлади. 1989 йилнинг ноябрь ойида келиб, 2 бекатли ("Алишер Навоий" бекатидан "Чорсу" бекатигача) учинчи

навбати фойдаланишга топширилган. Орадан қарийб икки йил ўтиб, (1991 йил апрелда) иккинчи бекатдан иборат бўлган ("Тинчлик" бекатидан "Беруний" бекатигача) тўртинчи

қисмлар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг аҳолиси зич ҳисобланган Юнусобод тумани-

сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга ўтган вақт мобайнида поездлар ҳаракати хавфсизлиги тўлиқ таъминланди. Поездларнинг маневр ишларида носозликларга йўл қўйилмади, ҳаракат жадвали 100 фоизга бажарилиди. Ҳозирги кунда метрополитенимизда 23 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилиб келишмоқда. Уларнинг мақсадлари битта — у ҳам бўлса, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига сифатли хизмат кўрсатишдир.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, барча метрополитен ходимларини ва юртолшоқларини яқинлаштириб келаётган улуг айём Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин дилдан табриқлайман. Хоналонларимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверсин.

Ўткиржон ДЕХҚОНОВ,
«Huquq» муҳбири

ТАВАЛЛУД КУНИНГИЗ БИЛАН!



умридан мамнун.

Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ тумани ИИБда бошлаган Углай опа, 1976 йили туман прокурорининг ёрдамчиси вазифасига ишга ўтди. Кейинчалик туман прокурорининг катта ёрдамчиси, Юқоричирчиқ туман прокурори, Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Углай Аймурзаева меҳнат фаолияти давомида адолатпарварлиги, ҳушфёзлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Қайси лавозимда ишласин, адолат нўқтаси назаридан иш кўрди. Соҳа сирларини ёшларга аямай ўргатди. Меҳнатсеварлиги, талабчанлиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб турди.

Бугун кексалик гаштини сўраётган прокуратура фахрийси Углай Аймурзаева 60 ёшга тулди.

Ажойиб фазилат эгаси ҳамда касбига садоқатли бу инсонни таваллуд кунини мунобарак эбод этим. У кишига узок-умр, сиҳат-саломатлик, хонадонига тинчлик-осойишталик, фаровонлик тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Фақат одамларнигина эмас, газета-журналларнинг ҳам "таржимаи ҳоли" бўлади. Яъни улар ҳам туғилдилар, яшайдилар, интиладилар, курашадилар...

Шу маънода, сеvimли газетамиз "Хуқуқ"нинг "таржимаи ҳоли"га ҳам, ўзига хос тақдирига ҳам ҳавас қилиш мумкин.

Зеро, у Мустақиллик даврининг

онгини ошириш, халқимизни теварагимиздаги қонунбузарликлару бошқа салбий иллатлардан огоҳ этиш... Санаса, жуда кўп унинг бурч ва вазифалари!

Не ажабки, "Хуқуқ" газетаси мана 12 йилдан бери ўз вазифасини сидқидилдан, қўнғ ва сабот билан бажариб, бошқа сафдош нашрлар орасида алоҳида ўрин эгаллаб, юзи ёруғ

қаролар ўртасида демократияга асосланган янгича муносабатлар пайдо бўлгани сир эмас.

Бундай умуминсоний ислохотлар ҳар қандай кишини қувонтиради. Бугун ўзининг 12 ёш - "мучал ёши"ни нишонлаётган газетамизнинг бу йўлдаги камтарона хизматлари эса инчунин!

Биз қалам аҳли "Хуқуқ" саҳифа-

МУЧАЛ ЁШИНГ МУБОРАК!

фарзандлари қаторида дунёга келди. Қолаверса, илк қадамлариданоқ унинг зиммасига нўхоятда шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилди.

У ҳам бўлса, юртимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида хизмат қилиш, қонунларни ўргатиш йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқий

бўлиб келмоқда.

Газета унвонининг тепасига "Мустақиллик ҳуқуқ демаклар" деган шior бежиз ёзиб қўйилмаган. Ана шу сўзларнинг ўзиёқ, бу нашрнинг қай йўлда хизмат қилиб келаётганини аниқлатади.

Бугун Мустақил юртимизда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича тус олиб бораётгани, давлат, жамият ва фу-

лари ёзувчилар учун ҳам "ижод май-дони" бўлиб келаётганидан мамнунмиз ва ҳаммиса унинг олдида ўзимизни қарздор деб биламиз.

Ана шу ҳамкорлигимиз ҳаммиса барқарор бўлишини тиларим.

"Мучал ёшинг" муборака бўлсин, қадрдон "Хуқуқ"!

Эркин УСМОНОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар
Уюшмасининг аъзоси

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

«Huquq» газетаси тахририяти саҳифаловчи (дизайнер) ва матн терувчи лавозимларига ишга таклиф қилади!

Талабгорлар жорий йилнинг 10 сентябрь кунига қадар резюмеларини тахририятга юборишлари лозим.

Мурожаат учун телефон: 233-26-62, 233-98-40

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Ҳамма туман прокуратураси катта терговчиси Аскар Адилдодовга падари бузруквор

ОЛИМ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahroddin YALIEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalari qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-7993. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Nabatchi muharrir: F.YODGOROVA
Nabatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Setovda
kelishilgan narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi - 231
ISSN 2010-7617

Gazeta O'zbekiston nashriyot matbaa idoriya uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9